

**Жан-Доминик Боби**  
**Скафандр ва капалак (қисса)**

[Elektron kutubxona](#)

Оқимтир нур кўримсиз парда ортида тонг отаётганидан дарак бермоқда. Оёқ оғриғи, бош оғриғи... гўё скафандр бутун танамни сиқаётгандек азоб-лайди. Менинг палатам аста-секин зулматдан озод бўлмоқда. Менга азиз бўлган инсонларнинг суратларини, болалар чизган расмларни, кечагина ошнам Рубедан жўнатган миттигина велосипедчи ҳайкалчасини ва каравотим тепасидаги токчани томоша қиламан. Ярим йилдан бери шу каравотда ётавериб, ўзимни дунёдан узилиб қолган бир махлуқдек ҳис қилар эдим.

Қаердалигимни англашим, ўтган йилнинг 8 декабрь жума кунда ҳаётим остин-устун бўлиб кетганини эслашим учун менга кўп вақт керак эмас.

Шу пайтгача мия сопи ҳақида эшитмаган эканман. Айнан ўша кун миямизнинг асосий қисми қандай эканлигини; мия ва асаб толаларининг қандай боғлиқлигини, юрак-қон томир тизимининг бузилиши юқорида айтилган мия сопини ишдан чиқаришини тушуниб етдим. Илгари буни мияга қон қуйилиши деб аташарди ва бундан одамлар шунчаки ўлиб кетаверишар эди. Жонлантириш бўлими асбоб-ускуналарининг ривожланиши бу азобларни енгиллаштирди. Тирик қолиш эҳтимоли бор, лекин сиз англосакс тиббиётида айтилган “locked-in syndrome” [1]га маҳкум қилинасиз:

бошдан-оёқ фалаж бемор ўз танасига қамаб қўйилади; у фикрлайди, лекин бу сезилмайди, ягона алоқа воситаси бўлиб фақат чап кўзини қисиш қолади. Қарангки, тақдир томонидан шундай илтифот кўрсатилгани ҳақида энг аввало билиши керак бўлган инсонга охирида хабар берилди. Мен йигирма кун ҳушсиз ётдим ва фожианинг залворини англашимдан олдин бир неча кун ноаниқлик гирдобада қолдим. Январнинг охирида, айнан шу Беркс касалхонасининг деразасидан илк тонг шуъласи тушиб турган палатада бутунлай ўзимга келдим.

Бу энг оддий тонг. Соат еттидан бошлаб ҳар чорак соатда вақт ўтаётганидан хабар берувчи қўнғироқлар чалинади. Тунги оромдан ке-йин тўлиб кетган ўпкаларим шовқин билан яна ишлай бошлайди. Сарик чойшабни ғижимлаб олган қўлларим азоб беради, қизиғи, улар иссиқми ё совуқ, тушуна олмайман. Анкилозга[2] қарши курашиб қўл-оёқларимни ҳеч бўлмаганда бир неча миллиметрга чўзишга ҳаракат қиламан. Бу менинг қийналиб кетган тана аъзоларимга сал бўлса ҳам енгиллик беради. Скафандр оғирлиги камаяди ва хаёлларим капалақдек учиб кетади. Ҳали қилиниши керак бўлган бир дунё иш бор. Осмонларга учса ёки замонлар аро кезса, Оловлар Маконига саёҳат қилса Мидас подшоҳининг саройига ташриф буюрса бўлади. Кейин суюкли ёрингизнинг қошига сездирмасдан учиб бориб, ширин уйқуга беланиб ётган юзини аста силаш мумкин. Самовий қасрлар қуриш, Олтин мўйнанни қўлга киритиш ҳам мумкин. Атлантидани кашф қилса, болаликдаги орзулар ва улғайгандаги тушларни рўёбга чиқарса бўлади. Қисқаси, дам олиш учун чалғиса бўлади. Энг асосийси, нашриётдан келадиган вакилга бу саргузаштларни қандай қилиб қимирлай олмайдиган ҳолда ҳарфма-ҳарф айтиш усулини ўйлаб топишим керак. Хаёлан ҳар бир жумлани ўн марта қайта-қайта синчиклаб ўйлайман, айрим сўзларни олиб ташлайман, сифатлар қўшаман ва ўзимнинг тузган матнимни сўзма-сўз ёдлайман.

Соат етти ярим. Навбатчи ҳамшира хаёлимни бўлди. Белгиланган тартибга биноан у пардаларни очади, трахеостомани[3], осма дорини текширади ва телевизорни ёқади – яқинда хабарлар бошланади. Ҳозирча Ғарбнинг энг чаққон қурбақаси ҳақида болалар кўрсатуви бўлмоқда. Мен ҳам қурбақага айланиб қолишни ният қилсаммикан?

## Ўриндиқ

Бунчалар кўп оқ халатларни ҳали палатамда кўрмаган эдим. Ҳамширалар ва уларнинг ёрдамчилари, кинезитерапевт[4], психолог, эрготерапевт[5], нев-ропатолог, тиббиёт олийгоҳи талабалари ва ҳатто бўлим бошлиғи, бир гап билан айтганда, бутун касалхона шу муносабат билан йиғилган. Улар киришганда қандайдир нарсани каравотим томонга суришди, мен янги бемор келдимикан деб, ўйлабман. Бир неча кун олдин Беркка ўтказилдим, аммо мен билан ногиронлар аравачаси орасида қандай боғлиқлик борлиги ҳеч ақлимга сиғмас, тасаввур ҳам қилолмас эдим.

Менинг аҳволимни ҳеч ким аниқ тушунтириб беролмасди ва тўсатдан, шунчаки тасаввур қилинган далилларга таяниб яқинда яна ҳаракатга ва тилга киришимга ишончимни ошираддим. Менинг адашаётган ақлим кўп режалар тузар эди: саёҳат, ишқ орзулари, театр пьесаси ва мен тайёрлаган мевали коктейлнинг сотувга чиқиши. Фақат қандай тайёрланишини мендан сўраманг, уни унутдим.

Хуллас, улар шу заҳотиёқ мени кийинтиришди. “Бу кайфиятни яхшилайти”, – огоҳлантирувчи оҳанг билан гапирди руҳшунос. Ҳақиқатан, сариқ нейлон кўйлақдан кейин мен жоним билан яна катак кўйлақ, эски шим ва шаклини йўқотган свитерни кийган бўлар эдим, аммо буларни ки-йиш жараёнининг ўзи даҳшат. Сон-саноксиз тутқаноқлардан сўнг ниҳоят, менинг бўшашган, бўйсунмас танамга кийим кийгазишди, азоб чекишга мажбур қилишди.

Бу тайёргарликдан сўнг “маросимни” бошлаш мумкин эди. Икки киши елкам ва оёғимдан ушлаб, каравотдан кўтариб ўриндиққа олишди. Оддий бемордан ногиронга айландим, худди новиллеро[6] тореадорга[7] айланиб қолган каби. Ўтирган ҳолатим тутқаноққа сабаб бўладими-йўқми, шуни билиш учун мени бутун қават бўйлаб айлантириб чиқишар, мен эса келажақдаги режаларим барбод бўлгани ҳақида хаёл суриб тик ўтирар эдим. Фақатгина бўйним тагига махсус ёстиқчани қўйиш қолди, чунки бошим тик туролмасди, худди африка аёлларининг бўйнида бир неча йил пирамида ҳолатида турадиган узуклар ечиб ташланганидек. “Сизга аравача тўғри келди”, – худди яхши янгилик айтаётган каби табассум билан гапирди эрготерапевт. Менга эса бу ҳукмдек эшитилди. Шу даражада ҳайратга соладиган ҳақиқатни эшитдимки, бу ҳақиқат атом бомбасининг портлашидан кейин пайдо бўладиган улкан қўзиқоринсифат тутунга ўхшар эди. Жаллод қиличидан ҳам ўткир ҳақиқат.

Ҳамма кетди, учта санитар мени бирваракайига кўтариб ётқизишди. Менга улар гўё детектив фильмларидаги ҳозиргина ўлдирилган одам жасадини машинасининг юкхонасига тикаётган жаллодларни эслатди. Ногиронлар аравачаси бурчакда турар, устига кийимим ташлаб қўйилган эди. Энг сўнгги оқ ҳалатлининг кетишидан олдин унга секингина телевизорни ўчириб қўйишини

ишора қилдим. “Сонлар ва ҳарфлар” кўрсатуви бўляпти – отамнинг сеvimли кўрсатуви. Деразаларни эрталабдан бери ёмғир тўхтамай тиқиллатар эди...

## Ибодат

Алалоқибат ногиронлар аравачасининг ижобий томони ҳам бор экан. Ҳаммаси ойдинлашди. Мен бошқа ғаройиб режалар тузмайман ва сукут қасамёдидан дўстларимни “озод” қиламан. Улар бўлган воқеадан кейин мени ғамхўрлик билан ўраб олишди. Бу мавзу энди тақиқланмаган ва биз “locked-in syndrome” ҳақида бемалол муҳокама қилар эдик. Биринчидан, бу жуда кам учрайдиган касаллик. Бу касалликка чалиниш имкони супер лотереяда соврин ютиш имкони билан баравар. Берқда бундай касалланганлар иккита, бунинг устига касаллигим даражаси ҳали тўлиқ аниқланмаган. Мен бошимни буриш имкониятига эгаман, бу эса касаллик белгиларига номувофиқ. Беморларда айна ҳолат ҳаёти давомида узайиб бораверади, шунинг учун бу патология[8] етарлича ривожланмаган. Бир нарса аниқки, агар асаб тизимим яна ишга тушса, бу сочининг ўсиши тезлиги каби бўлади, яъни жуда секин. Шундай экан, бармоқларимни қимирлатишимга йиллар керак бўлар.

Аслида, кутилиши мумкин бўлган ўзгаришлар нафас йўлларида содир бўлади. Узоқ муддатдан сўнг меъёрий ҳолатда, ошқозон зонди ёрдამисиз овқатланиш, овоз найчаларини ҳаракатга келтирадиган табиий нафас олиш ва секин нафас чиқаришга умид қилса бўлади. Ҳозирча оғзимда доимо тўпланиб қолаётган сўлакни ютиш қўлимдан келганида мендан бахтли инсон топилмас эди.

Тилимни танглайимнинг тубига тиқиб, ютиниш рефлексини уйғотмоқчи бўляпман. Шунингдек, деворда осиглиқ турган халтачалардаги ладан[9] ўсимлигидан тановул қиламан. Бу совғани менинг тошларга сиғинувчи диндор, саёҳатчи дўстларим Япониядан олиб келишган. Улар мен учун ҳамма илоҳий руҳларга илтижо қилишди. Мен қандай қилиб бўлса ҳам бу хонада йиғилиб қолган руҳларни тартибга солишим керак. Менинг шарафимга Бертон бутхоналарида шам ёқишганини ёки Непал ибодатхоналарида дуо ўқишганини билганимда, муқаддас сўзлардан кўзланган мақсадини бирдан англаб қоламан. Шундай қилиб, ўнг кўзимни камерунлик Марабунтага топширдим, айнан шу руҳонийдан дўстим африка ҳудоларининг менинг ҳаққимга дуо қилишларини илтимос қилди. Эшитиш қобилиятимга келсак, Бордодаги солиҳ юракли руҳонийлар биродарлик жамиятига суюнаман. Улар мен учун доимо дуо ўқишади ва мен хаёлан уларнинг ибодатхоналарига учиб бориб, самоларгача етиб борадиган муножотларини тинглайман. Буларнинг ҳеч қайсиси ҳали натижа бергани йўқ, лекин бу жамиятдаги еттита руҳонийни исломий мутаассиблар ўлдирганида қулоқларим бир неча кун оғриб юрди. Бироқ улкан, лойдан қилинган қалъалар, қум деворлар ва ҳатто Мажино[10] чегарасининг ҳимояси ҳам менинг қизчам Селестанинг уйқудан олдин Худога ўқийдиган дуосига дош бера олмайди. Мени ҳамма ёмон касофатлардан асраб турувчи дуо ҳақидаги ширин хаёллар билан уйқуга кетаман.

## Чўмилиш

Саккиз яримда кинезитерапевт пайдо бўлади. Чиройли қомат, юзи Рим гўзалларининг сиймоси каби... Бриджит хасталикка чалинган қўл-оёқларимни мажбуран ҳаракатга келтириш учун келади. Бу

сафарбарлик деб аталади. Бундай жанговар номлар озиб кетган “жангчилар” учун аталгани одамни кулдиради: 20 ҳафта ичида ўттиз килограмм вазн йўқотдим. Мазкур бахтсизликка учрашимдан бир ҳафта олдин парҳез тутишни бошлаганимда бундай натижага эришаман, деб ҳеч ўйламагандим. Йўл-йўлакай Бриджит айрим титрашлар яхшилик аломатимикин, деб текшириб кўради.

“Кафтимни сиқиб кўринг”, – мурожаат қилади у. Баъзан хомхаёлларга бериламан, гўёки бармоқларимни қимирлата оламан ва бор кучимни йиғиб сиқиб кўраман. Лекин бармоқларим қилт ҳам этмайди ва Бриджит жонсиз қўлимни махсус тиргак ёстиқчага қўяди. Қувонарлиси, бош қисмимда ўзгариш бор: мен энди бошимни 90 градусгача бура оламан. Энди мен кўришим мумкин бўлган майдон кенглиги қўшни бинонинг тоmidан бошланиб, оғзимни ҳатто оча олмаган вақтимда ўғлим Теофил томонидан чизилган, тилини чиқариб турган ажойиб Миккининг расмига бориб тугайди. Бирмунча машқ натижасида оғзимга сўрғич тиқишга эришдик. Руҳшунос айтганидек, буларнинг ҳаммаси сабр-тоқат талаб қилади.

Муолажа юзни уқалаш билан тугайди. Юзим ҳеч нарса сезмайди, лекин айрим қисмларида ҳали асаб толалари тирик. Бриджит ўзининг илиқ қўллари билан юзимни силаётганини ўшандан сезаман. Сезувчи чегара оғзимнинг ярмидан ўтади, мен ярим чала табассум қила оламан. Бу табассум менинг ҳар доимги кайфиятимдан далолат. Мисол учун оддий ювиниш менда турли хил ҳиссиётларни уйғотади.

Гоҳида жуда ғалати тўйилади, қирқ тўрт ёшимда мени ювинтиришади, ўгириб артишади ва йўргаклашади, худди эмизикли чақалоққа қарашгандек. Гўё болаликка қайтгандек бўламан. Ҳатто бундан завқ ҳам туяман. Аммо, баъзи кунларда буларнинг ҳаммаси даҳшатли фожиалигини тушунаман ва санитар соқолимни олиш учун суртган кўпикка кўзёшларим бирин-кетин

оқа бошлайди. Ҳар ҳафталик чўмилишга келсак, бу нарса мени ҳам қайғуга солади, ҳам роҳатлантиради. Ваннага тўлдирилган сувга кираётгандаги ёқимли лаҳзалар кетидан ёқимсиз шалпиллаб чўмилиш келади. Авваллари ваннада узоқ ётардим – қўлимда хушбўй чой ёки виски, қизиқарли китоб ёки газета, ётган жойимда оёғим билан сувнинг ҳароратини ўзгартираман... Ўтмишдаги хурсандчиликларни эслаб, ҳозирги даҳшатли ҳолатимни англаб, кўнглим чексиз қайғуга ботади. Лекин ҳозир тўхтаб қолиш ноўрин. Совуқдан титраган ҳолатимда ноқулай, қаттиқ ғилдиракли столда палатамга олиб кетишди. Соат ўн яримда тайёр бўлиб, реабилитация хонасига тушиш керак. Тавсия қилинган ёқимсиз спорт ки-йимини рад этиб, “кечиккан талаба” кийимига қайтаман. Эски свитерларим чўмилиш каби қайғули хотираларни эсга соларди, лекин мен уларда ҳали ҳам давом этаётган ҳаёт тимсолини кўраман, бу ўзлигимни йўқотишни хоҳламаслигимдан далолат эди.

## Алифбо

Мен алифбо ҳарфларини жуда ҳам яхши кўраман. Қоронғи тунда, фақат телевизорнинг ёниб турган митти чироғигина кўриниб турган маҳалда, унли ва ундош товушлар мен учун Шарль Трененинг[11] фарандола[12] куйи остида рақсга туша бошлайди: “О, Венеция, афсонавий шаҳар, нафис хотираларимни сенда сақлайман...” Қўл ушлашиб улар палатамни кезишади, каравотим атрофини айланишади, дераза олдидан ўтиб, девор устидан юриб эшиккача боришади ва яна йўлларини давом эттиришади.

ESARINTULOMDPCFBVHNGJQZYXKW

Тартибсиз кўринган бу хушчақчақ намойиш тасодиф эмас, буларнинг ҳаммаси моҳирлик билан ўйлаб топилган. Буларни алифбо деб ҳам бўлмайди. Ҳар бир ҳарфнинг француз алифбосидаги қайтарилиш частотасига қараб ўрни бор. Хўш, “E” ўзини биринчи бўлиб намойиш қилади, “W” эса энг охирида қолиб кетмай, деб навбатга эргашади. “B” эса жаҳл устида – уни “V” нинг олдига суриб қойишган, уларни тинмай адаштиришади. Мағрур “J” эса ҳайратда, нега уни бунчалик узоққа қўйишди, қанча жумлалар у билан бошланади-ку! “H” ўрнини эгаллаб олишига йўл қўйган семиз “G” жаҳл устида кўринади, ҳеч бир-биридан айрилмас “T” билан “U” эса яна бирга бўлиб қолганидан хурсанд эди. Бу тартиб катта аҳамиятга эга: мен билан суҳбат қурмоқчи бўлганларнинг ишини енгиллаштиради.

Бу жуда содда тизим: менга ҳарфларни тартиб билан кўрсатишади (вариант “ЭСА...”), мен эса ҳамсуҳбатим ёзиши керак бўлган ҳарфга келганида кўзимни қисаман. Агар хато чиқмаса, бирпасда сўз пайдо бўлади, кейин тушуниш иложи бор бўлган жумла ҳосил бўлади. Лекин бу – назария, ишлатилиш усули, изоҳли ёзув. Шунингдек, реаллик ҳам мавжуд – айримларнинг ваҳимаси-ю, ўзгаларнинг соғлом фикри. Бу кодли усул (хаёлларим таржимасини шундай аташади) олдида ҳамма ҳам тенг эмас. Бошқотирма ва скрабл[13] ўйинларини севувчиларига енгилроқ. Қизлар йигитларга нисбатан яхши уддалайди. Айримлар эса тажрибаси мавжудлиги туфайли бу ўйинни ёддан билишади ва уларга ҳарфлар кетма-кетлигидан иборат “муқаддас” китоб ёки гапларим ёзилган ёндафтарча шарт эмас. Аммо мени ўйлантирадиган нарса бу уч мингинчи йиллар этнологлари дафтарларни топиб олиб, агар бир бетнинг ўзида чалкаш ҳолда ёзилган “Кине ҳомиладор”, “Айниқса оёқларда”, “Бу Артур Рембо” ва “Французлар ҳақиқатан чўчқадек ўйнашди” каби ёзувларни ўқиб қолишса, қандай хаёлларга

боришар экан? Хато тузилган сўзлар, тушиб қолган ҳарфлар, тартибсиз бўғинлар тушунарсиз чалкашликни ҳосил қилади.

Таъсирчан одамлар тез адашиб кетади. Паст овоз билан шошиб ҳарфларни теришади, тахминан бир нечта ҳарфларни ўзидан қўшади-да, натижада олдинги гапга қовушмайдиган: “Мен – нотавонман!” деган гапни ўқиб ажабланишади. Бир томондан бу фойдали бўлиб чиқади, чунки улар суҳбатлашиш масъулиятини ўз зиммасига олади ва бундай шошқалоқларни тезлатиш шартмас.

Мен кўпроқ мужмал жавоб берадиганлардан қўрқаман. Агар мен улардан: “Ишларингиз қандай?” – деб сўрасам, улар: “Яхши”, – деб жавоб беришади ва сўзни яна менга беришади. Улар билан суҳбатлашишда алифбо оловли тўсиққа ўхшайди ва янглишиб кетмаслик учун олдиндан 2-3 та савол ўйлаб қўйиш керак.

Меҳнаткашлар ҳеч ҳам адашмайдилар. Улар ҳар бир ҳарфни синчиклаб ёзишади ва гап тугагунича иборада яширинган маънони шошқалоқлик қилиб топишга уринишмайди. Қўшимча сўз қўшиш борасида сўз ҳам бормайди. Ишонч билан айтаманки, улар ўзбошимчалик билан “он” ни “чемпи” ни кетидан қўшишмайди, “мли” эса “ато” ни кетига улашмайди, “мас” қўшимчаси эса “туга” ёки “чида” нинг кетида пайдо бўлиб қолмайди. Бундай секин жараён безор қиладиган ҳолатга олиб келади, лекин тахмин қилишни яхши кўрадиган таъсирчан одамлар дуч келадиган маъно бузилишидан сақлайди. Масалан, бир куни кўзойнагимни олиб беришларини илтимос қилган эдим, улар эса мендан, астагина, кўзимга ойнак тиқишимнинг сабабини сўрашди ва мен бундай ақлий ўйинларнинг ўзига хос жозибасини тушундим...

## Император аёл

Францияда малика Евгения хотираси ёд этиладиган жойлар кам қолган. Ногиронлар аравачаси бемалол, беш қаторлаб юрадиган жой, шинамгина Берк касалхонасининг галереясида Наполеон III нинг рафиқасини бу ернинг ҳомийси бўлганини эслатувчи алоҳида бир кўргазма мавжуд. Бу кичкина музейнинг иккита асосий ёдгорликларидан бири бу оқ мрамрдан бунёд этилган, маликанинг бетакрор гўзаллигини ўзида ифодалаган ҳайкалдир. Малика 94 ёшида, айнан Иккинчи империя қулашидан ярим аср ўтиб вафот этган. Шунингдек, Берк вокзалининг бошлиғини ёрдамчиси “Корреспондент маритим” газетасининг муҳарририга императорнинг 1864 йил 4 майдаги ташрифи ҳақида қисқача маълумот бериб ўтган хати иккинчи ёдгорликдир. Маликага ҳамроҳ бўлиб келаётган ёш аёлларни, шаҳар кўчаларида бўлаётган тантанали намоёишларни ва маликанинг номини улуғ деб биладиган касалхона беморларини тасаввур қилиб кўриш қийин эмас. Мен шу вақтгача бу азиз ёдгорликларга таъзим қилиб ўтиш имконини бирон марта ҳам қўлдан бой бермаганман.

Тахминан йигирма марта темирўлчининг ҳикоясини ўқиб чиқдим. Хаёлан ғала-ғовур кўтариб кетаётган маликанинг канизаклари сафига қўшилиб оламан ва Евгения бир бинодан иккинчи бинога ўтаётган дамда мен унинг малла рангли ленталар уланган шляпаси ва соябони кетидан, маликанинг ифоридан маст ҳолатда эргашаман. Бир куни мен журъат қилиб унинг оқ-пушти, кенг атлас тасмали кўйлаги бурмаларининг орасига бошимни яширдим. Бу дам шунчалик ширин, тонгги шудринг каби соф эди. Малика мени ҳайдамади. У менинг сочларимни меҳр билан силади ва худди невропатологимнинг шеvasига ўхшаган испанча шева билан гапирди: “Ҳечқиси йўқ болагинам, сабр-тоқатли бўлиш даркор”. Бу

инсон энди французлар маликаси эмас эди, энди у илоҳий тасалли берувчи, худди умидсизлик чоғида юпатувчи муқаддас Рита каби эди.

Кейин эса куннинг ярмига келиб, мен дарду ҳасратимни маликага баён қилаётганимда, орамизда нотаниш киши гавдаланди. Витринада бу одамнинг юзи кўринди, гўё диоксин моддали бочкага кириб чиққан одамга ўхшар эди: буришган оғиз, қийшайган бурун, патила сочлар, даҳшатга тўла нигоҳ. Бир кўзи тикилган, иккинчи кўзи эса жиноятчи Қобилнинг кўзи каби олайиб турибди. Мен бир дақиқа бу қорачиққа тикилиб турдим, бу инсон аслида менинг ўзим эканлигини кейин англаб етдим.

Айни шу дамда мен эйфорияга[14] тушиб қолдим. Мен нафақат сургун қилинган, фалаж, соқов, ярим кар, барча дунё роҳатларидан маҳрум қилинган эдим, шунингдек, ташқи кўринишим ҳам даҳшатли экан. Кучли асабий кулгу мени қамраб олди. Агар инсон тақдирнинг сўнгги зарбасидан кейин буларнинг ҳаммасини ҳазил деб ўйласа, охири ҳалокат билан тугайди. Бошида Евгения менинг хириллашимдан ҳайратлана бошлади, кейин бу ғалати хурсандчилигим унга ҳам юқди. Биз кўз ёшлар пайдо бўлгунича тўхтамай кулдик. Шу пайт муסיқачилар жуфт бўлиб ўйналадиган куй чала бошлашди ва менинг шунчалик рақсга тушгим келаётган эдики, агар ўринли бўлганида Евгенияни рақсга таклиф қилган бўлар эдим. Биз плиткали полда гир-гир айланиб рақсга тушган бўлар эдик. Бўлган воқеалардан сўнг бу кенг галереяга келсам, маликанинг нозик табассум билан менга тикилиб турганини кўраман.

Опал соҳил бўйлари устидан шовқин кўтариб учадиган енгил самолётда Берк касалхонаси устидан учиб ўтаётганингизда кўнглингиз ғайриоддий ҳаяжонга тўлади. Касалхонанинг жимжимадор, жумбоқли кўриниши, Шимол уйларининг усули остида қурилган жигарранг ғиштли баланд деворлари сирга тўла, гўёки Ла-Маншнинг кумушранг суви билан уни Беркон шаҳридан узиб олиб соҳил бўйларига, юмшоқ қумлар қўйнига улоқтириб юборилганга ўхшайди. Энг чиройли деворларнинг юзида, шунингдек, пойтахт жамоат ҳаммомларида ва давлат мактабларида бир ёзувга дуч келасиз: “Париж шаҳри”. Бу касалхона Иккинчи Империя даврида об-ҳаво туфайли Париж касалхоналарида тузала олмаган касал болалар учун қурилган бўлиб, ҳудудий мустақиллигини сақлаб қолган. Яъни, сиз ҳозирда Па-де-Каледа бўлсангиз-да, ҳокимият қонунларига биноан, Сена соҳиллари бўйида ҳисобланасиз. Касалхона ичидаги чеки йўқ, бир-бирига уланиб, чалкашиб кетган йўлаклар ўзига хос лабиринт, яъни чигалликни ҳосил қилади. “Менар” беморини “Соррел” да йўлидан адашиб қолганини кўп учратасиз: машҳур жарроҳларнинг исмлари асосий жой номлари сифатида хизмат қилади. Кўзи даҳшатга тўла, онасидан жудо қилинган, бахтсиз боланинг қўлтиқтаёғига суюниб, фожиали оҳангда тинимсиз: “Мен йўқолиб қолдим!” деган сўзларининг қулоққа тез-тез чалиниши эҳтимолдан холи эмас. Мен эса санитарлар айтишганидек, сорреллардан бириман ва йўлларда адашмайман. Лекин, мени олиб келаётган одамлар ҳақида ҳам бундай фикр билдириб бўлмайди. Йўлимиздан адашиб қолишимизни яхшилик сифатида қабул қилиш менга одат тусига кирди. Шу баҳона мен ҳали кўрмаган йўлаклар билан танишаман, янги инсонларни учратаман, йўл-йўлакай ошхонадан чиқаётган ширин ҳидларни сезиб ўтиб кетаман. Мен эндигина беҳушлик зулматидан ўзимга келаётган вақтлар мени ногиронлар аравачасида олиб кетишаётганда кўзим бир маёққа тушган эди. Биз

зина томон бурилаётганимизда қаршимда пайдо бўлди: салобатли, мустаҳкам, ўзининг қизил-оқ чизиқлари билан регби ўйинчисининг кийимини эслатар эди. Денгизчилар бирлиги рамзи, шунингдек, ёлғизлик ҳалокатига дучор бўлган касалхона беморларининг рамзи бўлган бу маёққа мен шу заҳотиёқ шайдо бўлдим. Биз ҳар доим кўришиб турамиз. Мен унинг ҳузурига тез-тез бориб тураман ва мени Чинечиттага олиб боришини сўрайман. “Соррел” биносининг кимсасиз айвонларини шундай атайман. Жануб тарафга қараган бу кенг айвонлардан ўзгача шоирона жозига эга бўлган, кинофильм декорациясига ўхшаган манзара кўз олдимизда намоён бўлади. Берк атрофи электропоезд саҳнаси учун безатилганга ўхшайди. Бир нечта қум тепаликлар қадим Ғарб ҳақида тасаввурларни ҳосил қилади. Бепоеён денгиз тўлқинлари эса шунчалик оппоқки, гўё сохтага ўхшайди.

Мен кун бўйи Чинечиттада вақтимни ўтказишим мумкин эди. У ерда мен замонлар аро энг буюк режиссёрга айланиб қоламан. Шаҳар томондан мен яна “Ёвузлик муҳри”[16] фильмининг биринчи саҳнасини суратга ола бошлайман. Соҳил бўйларида “Дилижанс”[17]ни яна тревелинг[18] қиламан. Очиқ денгизда эса “Ой ёғдусида”[19]ги контрабанда иштирокчиларининг ҳужумини тасвирга оламан. Ёки бу мўъжаз манзаралар орасида йўқ бўлиб кетаман, шунда дўстимнинг музлаб қолган бармоқларимни аста силашидан бошқа ҳеч нарса мени бу дунёдан узилган кўнглимни қайтара олмайди. Мен – юзига қизил-кўк бўёқ чизилган, ақлдан озган, бошига портловчи динамит боғлаб қўйилган масхарабозман. Чарт этиб гугурт чақмоқ васвасаси хаёлларимга булут каби ўрнашиб олган. Кейин эса қуёш бота бошлайди, Парижга йўналтирилган сўнгги поезд ҳам жўнайди ва палатага қайтиш вақти келади. Мен қишни интизорлик билан кутаман. Иссиқ кийимларга бурканган ҳолатда кечгача шу ерда қолиб, қуёш ботишига, маёқ чироғини атрофга умид учқунларини сочишига термуламан.

## Сайёҳлар

Урушдан сўнг Берк даҳшатли сил касали қурбони бўлган болаларни қабул қилар эди, лекин ҳаммаси кейинчалик ўзгарди. Ҳозир у ерда кексалик офатлари, четлаб ўтиб бўлмайдиган мия ва тана фаолиятининг бузилишига қарши кураш олиб борилади. Лекин гериатрия[20] – бу ердаги хизматлар ҳақида маълумот берувчи шунчаки бир фрагментдир. Шунинг ўзидагина йигирматача беҳуш ҳолатдаги беморлар, ўлим дарвозаси қаршисидаги чексиз тун гирдобига тортилган бахтиқаролар бор. Улар ҳеч қачон палаталарини тарк этмайдилар. Ҳар бири шу ерда эканликларини билишади ва жамиятга заррача фойда келтира олмаётганлари уларнинг виждонини пора-пора қилади. Қарама-қарши томонда эса ақли заиф беморларни даволаш қисми жойлашган. Ёнида эса семизликдан азоб чекаётган беморларнинг паришон боқишларига дуч келасиз. Тиббиёт олимлари бу беморларнинг вазн ҳажмларини камайтиришга умид боғлашган. Марказда эса асосий “қўшин”ни ташкил қиладиган майиб беморлар жамоаси мавжуд. Улар спорт тўфайли ёки йўл ҳалокатларидан, шунингдек, турли хил фалокатларидан жабрланганлардан ташкил топган. Беркка бу беморлар вақтинчалик тушиб қолиб, жароҳатланган қўл-оёқларини даволашади. Мен уларни сайёҳлар деб атайман.

Ва ниҳоят биз – қаноти синган қушлар, овози узилган тўтилар, бахтсизлик жарчилари, ўз инларини асаб даволаш бўлимининг боши берк йўлакчасини бурчакларига қурганмиз. Биз – доимо сукунат сақловчи фалаж беморлар, дарди бизникидан енгилроқ бўлган инсонларнинг кўнглида нотинчлик уйғотаемиз. Мен буни яхши тушунаман. Бунинг гувоҳи бўлиш учун энг мос жой – кинезитерапия зали. Айнан шу ерга барча беморлар даволаниш

учун келади. Бу ҳақиқатан Мўъжизалар кўчасига[21] ўхшар эди: шовқинли, ранг-баранг.

Қўлтиқтаёқларнинг, протезларнинг тарақ-туруқи ва турли хил шовқинлар орасида сизга ҳар хил инсонлар учрайди. Мисол учун қулоғига зирак тақиб олган, мотоцикл ҳалокатига йўлиққан ёшгина эркак; йиқилиш туфайли жароҳатланиб, қайта юришни ўрганаётган юпқа кўйлакли кампир; метрода оёғини узиб олган дайди (ҳеч ким уни қандай қилиб бу кўргиликка йўлиққанини билмайди). Бу жамоа эътиборсиз ҳодимлар назорати остида қўл-оёғини қимирлатиб кўришга ҳаракат қилар, бу маҳал мени эса аста-секин вертикал ҳолатига келтиришаётган бўлишади. Ҳар куни эрталаб шу ҳолатда ярим соат тураман, қаддимни “тек” тутиб. Менимча, шу пайт мен Моцартнинг “Дон Жуан”ининг сўнгги сахнасидаги Командор ҳайкалига ўхшасам керак. Пастда эса одамлар ҳазил қилишмоқда, кулишмоқда, суҳбатлашишмоқда... Менинг ҳам шу хурсандчиликда иштирок этгим келади, аммо ягона қолган кўзим билан уларга қарашим биланоқ улар юзларини мендан ўгириб оладилар. Бирданига шифтдаги ёнғин хавфсизлиги учун ўрнатилган қурилмани томоша қилгилари келиб қолади. “Сайёҳлар” ёнғиндан жуда қўрқишса керак-да.

Колбаса

Ҳар куни вертикализация[22] сеансидан кейин санитар мени палатамга олиб келади-да, жойимга кўтариб жойлаштириш

мақсадида ёрдамчиларни кутиб туради. Бу пайтгача эса аллақачон тушлик вақти келган бўлади ва санитар атайлаб хушчақчақ оҳангда “Ёқимли иштаҳа!” деб хайрлашиб кетади. Бу эса 15 августда Рождество[23] байрами билан табриклаш ёки иш кунини айна қизиган палласида хайрли тун тилаш билан баробар-ку! Саккиз ой давомида мен лимон шарбатининг бор-йўғи бир нечта томчиларини ютдим. Ярим қошиқ йогурт эса нафас йўлларимда йўқолиб қолишига сал қолди. Озиқланиш тажрибаси, бачканароқ номланган бу тажриба, самарасини бермади. Лекин хавотирга ўрин йўқ, мен оч қолмайман. Ошқозонимга уланган жигарранг, шишасимон зонд орқали менга етарлича озуқа етказилиб турилмоқда. Хотирамда сақланиб қолган битмас-туганмас таъм ва ҳид хотираларини ҳузурланиш учун уйғотаман. Кимдир маза қилиб овқат тайёрлай олади, мен эса синчковлик билан масаллиқларни танлаб, хаёлларимдан тайёрлайман. Хоҳлаган вақтда, ҳеч қандай оворагарчиликсиз овқатланишга ўтириш мумкин. Ресторандан стол буюртма беришга ҳожат йўқ. Қачонки ўзим овқат тайёрласам, албатта кўнгилдагидек чиқади. Бургундияликлар усулига биноан қовурилган мол гўшти, гўштлик шаффоф илвира ва меъёрида нордон шафтоли торти. Кайфиятга қараб ўзимни ўзим меҳмон қиламан: ўн икки дона чиғаноқ, пиширилган картошка билан чўчқа гўшти, нордон карам ва бир шиша тилларанг, узоқ йиллар давомида сақланган гевюртс-траминер[24], ёки оддийгина қовурилган тухум билан нон. Қандай роҳат! Тухум сариғи томоғимдан ўз илиғини таратиб ўтиб кетмоқда. Шунингдек, ҳазм қилиш билан алоқадор муаммолар ҳеч қачон юзага келмайди. Албатта, мен энг яхши маҳсулотлардан фойдаланаман: энг янги сабзавотлар, хозиргина тутилган балиқ, ёғлиқкина гўшт. Ҳаммаси қоидага биноан тайёрланиши шарт. Менга дўстим Труадан ҳақиқий сосис-ка тайёрлаш шартларини юборган эди, яъни уч хил гўшт бир-бирининг устига таҳланган ҳолатда тайёрланади.

Шундай синчковлик билан мен йил фассларини алмаштираман. Ҳозирда мен ширин қовунлар мазасидан баҳра олаяпман. Денгиз чиғаноғи ва қуш гўштини кузга заҳиралаб қўяман, агар уларни ейиш хоҳишим мени тарк этмаса, албатта. Чунки, шу кунларда негадир жуда ўзгача фикрлайдиган, мулоҳазакор бўлиб қолганман. Аввалига, узоқ вақт оддий овқатдан жудо бўлганим мени мушкул ҳолатларга солди. Мен очофат бўлиб қолдим. Ҳозирда эса хаёлларимнинг қайсидир бурчагида осифлик турган колбасани бемалол томоша қила оламан. Лион колбасасининг шакли нотўғри, жуда юпқа ва қўпол кесилган. Ширасини чиқариб чайнашингиздан илгарироқ тилда эришни бошлайди. Бу ҳузур ҳам муқаддас нарса, қирқ йиллик тарихга эга бўлган эътиқод. У пайтлардаги ёшимда мен ширинликларни яхши кўришим керак эди, лекин кўнглим кўпроқ колбаса маҳсулотларига тортар эди. Онам томондаги бобомга қарайдиган энага қоронғу Распай хиёбонига ҳар гал келганида болаларча ажойиб эркалик билан менга колбаса беришини сўрар эдим. Бу чевар аёл овқат борасида болаларга ҳам, қариларга ҳам жуда мурувватли эди. Шундай ташаббускор йўл орқали у бир ўқ билан иккита қуённи урди: мени колбаса билан сийлади ва бобомнинг шундоққина ўлимидан олдин унга турмушга чиқди. Бу кутилмаган турмуш оиламиздагиларга унчалик ҳам хуш келмади. Менинг хотирамда фақат бобомнинг эллик франклик пулнинг юзида тасвирланган Виктор Гюгонинг жиддий кўриниши каби қарашлари сақланиб қолган, холос. Лекин ўйинчоқ ва китобларим орасига менга совға қилинган колбасани жинниларча тиқиб қўйганим яққол эсимда. Менимча, ҳеч қачон бундан-да мазалироқ колбасани ҳаётимда емаганман.

Фаришта

Сандринанинг оқ халатига қистириб қўйилган “Логопед” деган сўз “Фаришта” деб ўқилса муболаға бўлмайди. Айнан у менга кодлар орқали гаплашишни ўйлаб топди, акс ҳолда, мен бу дунёдан узилиб қолишим ҳеч гап эмас эди. Кўпчилик дўстларим мен билан код орқали суҳбатлашса-да, афсуски, касалхонада эса фақат Сандрина ва бир психолог докторгина шу йўл орқали мен билан алоқа қилишади. Шунинг учун менга оддий мимика усуллари билан тушунтиришга тўғри келади (кўз қисиш ва бош қимирлатиш). Одатда мен эшикни ёпишни, ҳожатхонадаги сув тушишини тўғирлашни, телевизор овозини пасайтиришни ёки ёстиғимни баландроқ қўйишларини сўрайман. Аммо ҳар доим ҳам бу истакларимга эриша олмайман.

Ёлғизлик оламида ўтказган вақтим давомида мен бир нарсани тушундим, одамлар икки мақомда бўлади. Уларнинг кўпчилиги менинг хоҳиш-истакларимни тушунишга ҳаракат қилишади, қолган масъулиятсизроқлари эса мен уларга кўрсатишга ҳаракат қилаётган белгиларимни кўрмаганликка олишади. Мисол учун, тунов куни бир галварс мен кўриб турган Бордо-Мюнхен ўйинини ярмига келганда тўсатдан ўчирди-да, шафқатсизларча “Хайрли тун” деб чиқиб кетди. Ноқулайликлар, суҳбатлашиш имкониятидан маҳрумлик одамда тушкун кайфиятини яратади. Аммо, кунига икки марта Сандрина ўзининг қайғурган кўзлари билан хонамга назар ташлаши биланоқ ҳамма ёмон руҳлар атрофимдан ҳайдалади. Шунда кўримсиз скафандр азоби енгиллашади.

Логопедия – бу чексиз ҳурматга сазовор санъат. Француз товушларини юзага чиқариш учун тилимиз қанча ҳаракатларга келишини тасаввур ҳам қила олмайсиз. Ҳозирда мен “Л” ҳарфини талаффузида қийинчиликларга дуч келмоқдаман. Гўё ўз журналининг номини талаффуз қила олмаётган бечора муҳаррир. Омадим келган кунлари иккита йўтал хуружидан сўнг нафас олишим кучга кириб, бир нечта фонемаларни гапиришга уриниб

кўраман. Туғилган кунимга яқин Сандрина алифбони дона-дона қилиб ўқишга ундади. Мен учун энг яхши туғилган кун совғаси шу бўлди. Хириллаган овоз билан сўзланаётган йигирма олтита ҳарфни эшитиб, ўзимни энди гапиришни ўрганаётган ғор одамидек ҳис қилиб кетим.

Айрим пайтларда машғулотимизни телефон қўнғироғи бўлиб қўяди. Мен Сандрина орқали бирон-бир яқин одамим билан алоқага кириб ҳаётнинг бир лаҳзасини тотишга ҳаракат қиламан, худди учиб кетаётган капалакни тутиш каби. Қизгинам Селеста эса пони[25] устида сайр қилганини гапириб беради. Беш ойдан кейин унинг тўққиз ёшга киришини нишонлаймиз. Отам эса тўқсон уч ёшида оёқда туришнинг мушкулликларини мардларча енгаётгани ҳақида айтиб беради. Отам ва Селеста менга ғамхўрлик қилаётган энг суюкли инсонларим. Мен кўп ўйланиб қоламан, бу бир томонлама суҳбатлар уларда қандай таассурот қолдирар экан? Менга-ку таъсири катта, кўнглимни кўтариб юборади. Уларнинг меҳрга тўла гапларига сукунат билан жавоб қайтармасликни қанчалик хоҳлайман-а.

Айримлар бундай суҳбатларга дош бера олмайдилар. Агар Сандрина қулоғимга тутиб турган телефон гўшагига қаттиқ хўрсиниб қўймасам, мулойим Флоранс менга гапирмайди. “Жан-До, шу ердасиз?” – хавотирланиб сўрайди Флоранс. Тўғриси айтганда, охириги пайтларда ўзим ҳам бу борада шубҳалана бошляпман.

Сурат

Отамни охирги марта соқолини олаётганимда кўрган эдим. Бу воқеа айнан мен фалокатга учраган ҳафтада бўлган эди. У касал эди, шунинг учун мен унга қарашга унинг Париждаги, Тюилри яқинидаги миттигина хонадонида қолдим. Тонгда унга сутли чой тайёрлаб бериб, бир неча кун давомида уни ўсиб кетган соқолидан халос қилишга қарор қилдим. Бу воқеа бутун умрга эсимда қолди. Қизил намат ўриндиққа жойлашиб олиб, газетани бошдан-оёқ синчиклаб ўқиб чиқадиган отам унинг қариб кетган юзига “ҳужум қилаётган” устарага қарши мардонавор чидар эди. Озиб кетган бўйнининг атрофига кенг сочиқ ўраб ташланган, юзига эса кўпик қалин қилиб суртилган. Мен унинг томирлари кўриниб турган юз терисини шикастламасликка ҳаракат қилар эдим. Отам шунчалик чарчаган эдики, ўтирган жойида кўзлари юмилиб кетаётган эди. Ҳолсиз кўринишда бурун суюги ҳам бўртиб чиққан, лекин ёшлигидан сақланиб қолган ўзгача барно қомати ўз кучини йўқотгани йўқ. Қариларга хос бетартиблик ҳиссини уйғотадиган турли хил нарсалар хонада қалашиб кетган. Булар анча йиллар давомида йиғилиб қолган расмлар билан безатилган эски журналлар, ҳеч ким тингламайдиган пластинкалар, ғалати нарсалар ва катта ойнали рамкага солинган турли замонга тегишли расмлар. Буларнинг орасида денгизчилар кийимчасини кийиб олган отамнинг болалиқда расми ҳам (урушдан олдин 1914 йил), от миниб тушган саккиз ёшли қизимнинг расми ҳам ва менинг кичкина голф майдончасида тушган оқ-қора расмим ҳам бор. Расмда мен ўн бир ёшдаман. Қулоқлар диккайган. Кўринишимдан сал аҳмоқроқ, итоаткор ўқувчига ўхшайман. Кўрсам, ғашим келади, чунки айнан ўша пайтларда учига чиққан дангаса эдим-да.

Сартарошлик ишимни битириб, ҳаётимнинг муаллифи бўлган отамга унинг севимли атирини сепаман. Кейин ҳар доимгидек “Кўришгунча” деб хайрлашамиз ва столининг остига яшириб қўйилган васиятномаси ҳақида бу гал ҳам бир оғиз сўз айтмайди. Шундан сўнг биз бошқа кўришмадик. Мен ўзимнинг Беркдаги

касалхонамни тарк этмайман, унга эса тўқсон икки ёшида уйининг чексиз зинапояларидан тушишига оёқлари дош бермайди. Иккимиз ҳам бир йўсиндамиз – “locked-in syndrome” : мен – ўзимнинг “скафандрим” да, у – уйининг тўртинчи қаватида. Энди ўзимни ҳам эрталаблари соқолимни олишмоқда. Бир ҳафта ичида ўсиб кетган соқолимни тиббий ходимлардан бири олаётганида хаёлимга бирдан отам келади. Умид қиламанки, ўша куни мен булардан кўра сартарошнинг вазифасини эҳтиёткорроқ бажардим.

Вақти-вақти билан отам менга қўнғироқ қилиб туради. Меҳрибон қўл қулоғимга тутиб турган телефон гўшагидан отамнинг озгина қалтироқ босган овозини эшитаман. Ўз ўғлингга қўнғироқ қилсангда, у ҳеч гапирмаса қийин бўлса керак. У менга голф майдончасида тушган расмимни ҳам юборди. Аввалига мен тушунмадим, нима сабабдан у бундай қилди? Бу савол агар кимнингдир хаёлига расмнинг орқа томонига қараб кўриш фикри келмаганида жавобсиз қолган бўлур эди. Шу пайт дам олиш кунларининг бирида содир бўлган воқеалар эсимга тушиб кетди: шамол эсиб турган ғамгин бир жойга тоза ҳаводан нафас олиш учун оилавий бордик. Ўзининг текис, чиройли ёзуви билан отам оддийгина қилиб: Берк-сюр-Мер, апрель, 1963 йил деб ёзиб қўйибди.

Яна бир ўхшашлик

Агар Александр Дюманинг китобхонларидан қайси асар қаҳрамонига айланиб қолишни хоҳлар эдингиз деб сўрашса, ҳеч шубҳасиз, улар Дартанянни ёки Эдмон Дантесни танлашган бўлар эди. “Граф Монте-Кристо” даги даҳшатли қаҳрамон – Нуартени танлаш эса ҳеч кимнинг хаёлига келмаган бўлар эди. Ёзувчи бу

қахрамонни тирик нигоҳ билан тикилиб турадиган мурда, танасининг чорак қисми гўё гўрида бўлган одам қиёфасида тасвирлаган. Буткул ногирон бўлган бу қахрамон образидан инсонни титроқ босади. Ҳамма даҳшатли сирлардан хабардор бўлган кучсиз, доимо сукунат сақлайдиган бу одам бутун умрини ногиронлар аравачасида ўтказади. Алоқа қилишининг ягона йўли бу фақат кўзини қисиш: бир марта бўлса “ҳа”, икки марта – “йўқ”. Аслида Нуарте бобо (невараси уни меҳр билан шундай чақиради) “locked-in syndrome”га чалинган ягона бемор персонажи. Бахтсизлик туфайли онгимни ўраб олган қалин тумандан ақлим озод бўлган пайтларда мен Нуарте бобо ҳақида кўп ўйлайман. Яқинда “Граф Монте-Кристо”ни ўқиган эдим, энди эса китобдаги воқеалар марказига тушиб қолганга ўхшайман. Тағин энг ёқимсиз вазиятда. Бу китобни мутолаа қилишим тўсатдан бўлмади. Менда шум фикр пайдо бўлди, романнинг замонавийлаштирилган вариантини ёзиш: албатта, асосий ғоя бўлган қасос мавзуси сақланиб қолинарди, аммо воқеалар бизнинг замонамизда содир бўлаётган бўлар эди. Монте-Карло эса аёл киши бўлар эди. Мен бу жинойтга қўл уришимга ва шундай буюк романни ҳақоратлашга улгура олмадим, вақтим тугади. Жазо сифатида мен барон Дангларга, Франса Дэ Эпинегга ёки албатта, Фариага айланиб қолишга розиман. Дурдона асарлар билан ҳазиллашиб бўлмайди. Аммо адабиёт ва асаб худолари менга нисбатан умуман бошқа ҳукм чиқаришди.

Кечалари Нуарте бобонинг ўзини узун оппоқ сочлари билан касалхона йўлаклари бўйлаб қадимий, занг босган аравачасида санғиб юргани тасаввуримга келади. Тақдирга улкан ўзгартиришлар киритиш учун мен буюк афсонага айланадиган режа тузмоқдаман, қаердаки энг асосий гувоҳ фалаж бўлган киши эмас, қочоқ бўлади. Ким билади, балки бу ростдан ҳам рўёбга чиқар.

## Туш

Мен ҳеч қачон тушларимни эслаб қола олмайман. Тонг отиши биланоқ сценарийдаги воқеалар занжири узилади-да, ҳаммаси эсдан чиқади. Лекин нега унда декабрь тушлари хотирамда тошга ўйилган нақш каби сақланиб қолган? Балки бу беҳушликнинг бир хусусиятларидандир. Сиз ўнгингизга қайта олмайсиз, тушлар эса тугамайди, аксинча, бирин-кетин давом этаверади, худди роман-фельетоннинг ҳодисалари каби. Бу кеча ҳодисаларнинг бири эсимга тушди.

Тушимда лайлакқор ёғаетган экан. Тахминан ўттиз сантиметр қор автомобиллар мозорини устини қоплаган. Мен энг яқин дўстим Бернар билан совуқдан титраб, у ерни кезиб ўтяпмиз. Уч кундан бери Францияга шаҳардаги умумий иш ташлаш сабабли етиб бора олмаяпмиз. Биз тўхтаб қолган жой, Италия чанғи комплексида, Бернар Ниссага борадиган поезд қидирди. Аммо саёҳатимиз сўнгида бизни иш ташловчилар жамоаси тўхтатиб, аёзли об-ҳаво бўлаётганига қарамасдан, юпқа ботинка ва костюмда поезддан чиқишимизни талаб қилишди. Аянчли манзара. Автомобиллар мозорининг устидан катта кўприк ўтган. Назаримда, баландлиги эллик метр бўлган шу кўприқдан машиналар устма-уст қулаб, қалашиб кетган ва мазкур автомобиллар мозори вужудга келган.

Биз нуфузли бир италиялик киши билан учрашув белгилаганмиз. У инсоннинг штаб-қароргоҳи шу ажабтовур жойда яширинган. Биз топишимиз керак бўлган эшик сариқ темир эшик бўлиб, унда “ҳаёт учун хавфли” деган ёзув бор ва тагидан электр токидан зарба олган одамга кўрсатиладиган биринчи тиббий ёрдам йўл-йўриғи ифодаланган. Тақиллатиб кўрамиз. Эшик очилади. Уйнинг кириш

қисми қандайдир “Санте” фирмаси бошлиғининг омборхонасига келиб қолгандек ҳис қиласан ўзингни: илгакларда пиджак-лар, шимлар осилган, қутиларда кўйлақлар – ҳаммаси шифтгача уюлган. Қўлида автомат кўтариб турган соқчини сочидан дарҳол таниб оламан. Бу сербиялик – Радован Каражич. “Оشناмнинг нафас олиши қийинлашиб боряпти”, – деди Бернар. Каражич менга трахеостома қўяди. Кейин ҳашаматли шиша зинадан ертўлага тушамиз. Девогларга қизғиш чарм тортилган кенг ўриндиқлар ва хира ёруғлик бу хонага тунги ресторан хусусиятини бахш этади. Бернар бу ернинг хўжайини бўлган “Фиат” яккаҳокимлиги бошлиғи Жанни Анелли билан гаплашар эди. Бу пайтда эса мени ливан талаффузи билан гапирадиган ёрдамчи қиз кичкина майхона қаршисига ўтқизади. Шиша стаканларнинг ўрнига шифтдан самолётларда ҳалокат пайтида тушадиган кислород ниқоби каби пластик найчалар тушди. Майхона эгаси менга найчалардан бирини оғзимга солишимни ишора қилди. Мен айтганини қиламан. Қаҳрабо рангли, занжабил мазасини эслатадиган суюқлик найча орқали оқади ва оёғимдан то сочимнинг толасининг учигача исиб кетаман. Бироз вақт ўтганидан сўнг ичишни ўхтатиб, ўриндиғимдан тушгим келди. Лекин тўхтовсиз ичишни давом эттиравардим, қилт ҳам эта олмасдим. Майхона эгасини эътиборини қаратиш учун унга қўрқув тўла нигоҳимни тикаман. У менга сирли табассум қилади. Овозлар ва юзлар айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Бернар нимадир дер эди, аммо овози умуман тушунарсиз эди. Бунинг ўрнига Равелнинг “Болеро” сини эшитаётган эдим. Мени ғирт маст қилиб қўйишган эди.

Қаердандир урушга тайёргарлик шовқин-суронлари эшитилар эди. Ёрдамчи қиз мени елкасига ортиб, зинадан тепага олиб чиқаётганди: “Кетишимиз даркор, ҳозир миршаблар бостириб келади”. Ташқарида эса тун, қор эса ёғмаётганди. Муздек шамолдан эгим жимирлаб кетди. Кўприкка ўрнатилган прожектор нурлари ташландиқ автомобиллар сиртини ёритиб турар эди.

“Атрофингиз ўраб олинган, таслим бўлинглар!” – деган баланд овоз эшитилади. Биз қочиб қолишга муяссар бўламиз. Тушларимда доим қочиб кетгим келади, лекин шундай имконият пайдо бўлиши биланоқ енгиб бўлмайдиган карахтлик устимдан ҳукмронлик қилиб олади. Мен ҳайкалга, мумиёга айланиб қоламан. Агар ўртада эшик турган бўлса, бу эшикни очиш учун кучим етмайди. Бунга сабаб фақат менинг қўрқинчим эмас. Мен дўстларимнинг ҳам мен каби шундай сирли тариқат асирига айланиб қолишидан қўрқаман. Мен бор кучим билан уларни огоҳлантиришга уринаман, аммо минг афсуслар бўлсинки, менинг тушим ўнгим билан бир хил – бир оғиз сўз ҳам гапира олмайман.

Кадр ортидаги овоз

Менда шундай вақтлар бўлганки, “роҳатланиб” уйғонганман. Айниқса, ўша январнинг охириги кунларидан бирида ҳушимга келганимда қаршимда бир одам эгилиб, пайпоқ тикаётган каби ўнг қовоғимни нина билан тикаётган эди. Мени беихтиёр қўрқув босди. Агар тўсатдан кўз шифокори мени чап кўзимни ҳам тикиб қўйса-чи? Бу дунё билан ягона алоқа воситамни, зиндонимдаги бир дона тўйнугимни, “скафандр”имдаги биргина тирқишимни-я!

Минг шукурлар бўлсинки, зулмат оламига мени фарқ қилишмади. Шифокор миттигина асбоблари ичига пахта тўлдирилган қаттиқ қутига солди-да, судда қораловчи жиноятчига жазо эълон қилаётгандек бир жумлагина гапирди: “Ярим йил”. Мен соғ кўзим билан саволларга тўла нигоҳимни унга қаратдим, лекин умри давомида кўз қорачиғига қараб кунини ўтказган бу чол кўзга қараб

фикрни ўқий олмас экан. Бу одам “Менга умуман фарқи йўқ”, деган шифокорларнинг туридан. Димоғдор, қўпол, кеккайган, беморларига фармони ила соат саккизда келишини буюради-да, ўзи соат тўққизда пайдо бўлади ва бештакам ўнда, ҳаётининг жуда муҳим қирқ беш минутини кеткизганини англаб, кетиб қоладиган шифокор. Кўринишидан Максвелл Смартга[26] ўхшар эди: кенг, юмалоқ юзли, калтабақай, келишмаган гавдаси бор. Оддий беморлар билан камгап бўлса-да, мендек арвоҳ кабилардан қисқагина тушунтириш бериб қочади. Алалоқибат, нега ўнг кўзимни тикиб қўйганини тушундим. Қовоғим ёпилмай қолибди, бу эса кўзнинг пардасини касалланишига сабаб бўларди.

Бир неча ҳафтадан сўнг мен ўйлаб қолдим, мабодо касалхона шундай ёқимсиз ишчини атайин узоқ муддатли беморларнинг тиббий ходимларга нисбатан яширинган шубҳаларини аниқлаш учун ёллаганмикан? Қандайдир маънода у қурбондир. Уни ишдан кетади, деган гаплар юрибди. Агар у кетса мен кейин кимнинг устидан куламан? Унинг ҳар доимги: “Кўзингиз иккита кўряптими?” деган саволига хаёлан: “Ҳа, битта аҳмоқнинг ўрнига иккита аҳмоқни кўраяпман”, деб жавоб бераман.

Нафас олишга бўлган эҳтиёж каби хавотирланиш, севиш ва ҳайратланиш каби ҳиссиётларга ҳам муҳтожман. Дўстимнинг хати, табрикнома устидаги Балтјос сурати вақт ўтаётганидан дарак беради. Бефарқ ва ҳамма нарсага аҳамиятсиз бўлиб қолишдан қўрқиб, ўзимда озмунча ғазаб ва алам ҳисларини сақлаб қўйганман: кўп ҳам эмас, кам ҳам эмас, худди тез қайнар қозон каби. Унда хавфсизлик клапини мавжуд бўлиб, буғ чиқаради ва шунинг ҳисобидан портлаб кетмайди.

Хўш, тез қайнар қозон... Театр пьесаси учун яхши ном. Бир кун келиб ўзимнинг тажрибаларимдан келиб чиққан ҳолда шу асарни

ёзарман ҳам. Шунингдек, мен уни “Кўз” деб ва албатта “Скафандр” деб номлашни режалаштираётган эдим. Сценарий воқеалари ва безаклар – ҳаммаси сизга маълум. Касалхона палатаси, ёши ўтган бемор жаноб Д. Юрак-қон томирларининг жиддий касалликка йўлиқиши туфайли юзага келган “locked-in syndrome” касаллиги билан қандай ҳаёт кечиришни ўргатади. Пьесада йирик реклама агентлигининг асосчиси бўлган жаноб Д. Нинг табиёт оламидаги саргузаштлари; хотини, фарзандлари, дўстлари ва ҳамроҳлари билан бўлган муносабатларидаги ўзгаришлар ҳақида гап кетади. Шуҳратпараст, ҳаёсиз ва шу пайтгача ҳеч ҳам омадсизликка дуч келмаган жаноб Д. Бахтсизликка дуч келади, атрофидаги одамларнинг ишончсизлигини кўради ва яқинларини яхши билмаганлигини тушуниб етади. Бу аста содир бўлувчи воқеаларни кузатиш осон кечади, чунки кадр ортидаги жаноб Д.нинг овози, ички монологи, ҳар бир вазиятни тушунтириб туради. Пьесани ёзишгина қолди, холос. Оҳирги саҳна кўринишини ҳам ўйлаб қўйганман. Саҳна ғира-шира ёруғлик билан ёритилган, фақат ўртада турган каравотгагина нур тушиб турибди. Тун, ҳамма уйқуда. Жойида қимирламай ётган жаноб Д. Тўсатдан устига ёпинган кўрпасини тушириб бирдан сакраб ўрнидан туради ва саҳна бўйлаб юради. Кейин чироқлар ўчирилади ва сўнгги марта жаноб Д.нинг ички монологи, саҳна ортидаги овоз эшитилади: “Жин урсин, ҳаммаси шунчаки туш бўлган экан!”

Омадли кун

Бугун тонг отиши жуда секин кечди, гўё фалак 119-палатага қулаган каби. Ярим соатдан бери овқатланиш вақти келгани ҳақида дарак берадиган фавқулодда хабар аппарати бекорга, тўхтовсиз жирингламоқда. Мен бундай мияни чарчатадиган, асабни ўйнайдиган ва зерикарли “бип-бип” деб қайтарилаверадиган товушни умрим бўйи эшитмаганман. Бунинг устига ўнг кўзимни ёпиб турган ямоқ очилиб кетди ва ёпишиб қолган кип-рикларим

кўзимга тегиб азобламоқда эди. Ундан ҳам даҳшати эса пешоб катетирим чиқиб кетган. Умуман, ёмон аҳволдаман. Ёрдам кутгунча Андри Салвадорнинг қўшиғини хиргойи қиляпман: “Келақол, жонгинам, бунинг ҳаммаси ўткинчи”. Ва ниҳоят, ҳамшира келди. Одатдагидек телевизорни қўйишди. Реклама вақти. Теле-ахборот тармоғи “Минител” савол бермоқда: “Мўмай пулга эга бўлишга тайёрмисиз?”

## Илон изи

Кимдир мендан Лурдга зиёратга бориш ниятимиз борми, деб сўраса, мен аллақачон бориб келганимни айтаман. Бу воқеа 70-йиллар охирида бўлган эди. Жозефина билан мен мураккаблашиб кетган муносабатларимизни ўнглаш учун бирга сафарга боришга қарор қилдик. Лекин ҳар дақиқада жанжаллашардик. Эрталаб мўлжални олмасдан, йўлни танламасдан йўлга отланиш биз ўйлагандан-да мушкулроқ экан. Жозефина, худди мен каби туйғулар борасида жудаям самимий эди, шунинг учун унинг эски, мовий рангли машинаси оилавий муаммолар бўйича жанжаллашадиган жойга айланди. Эксле-терм номли жойдан бошлаб Жозефинанинг тоғасининг вилласи жойлашган Шамбр дэ Амургача Пиренея соҳили бўйлаб сайр қилдик. “Мен ҳеч қачон бундай демаганман!” номли баҳслар давомида босиб ўтилган изларимиз оптимизда қоларди.

Баҳсларимизнинг асосий мавзуси олти ёки етти юз бетлик, усти қизил-қора муқовадан иборат “Илон изи” номли китоб эди. Китоб Шарл Сображ исмли одамнинг саргузаштлари ҳақида. У Бомбей ёки Катманду яқинида саёҳатчиларни алдаб, бор-йўғини ўғирлаб

кетар экан. Бу насл-насаби француз-ҳинд бўлган “илон”нинг тарихи жуда узун эди. Асарда ёритилган воқеаларни аниқ эслолмайман-у, лекин Шарл Сображ персонажининг менга кўрсатган таъсирини яхшигина эслайман. Андоррани ўқигунча баъзида ён-атрофга қараш учун китобдан кўзимни узар эдим, лекин Пик-дю-Миди асари қўлимга тушгач, машинадан тушиб сайр қилишни қатъиян рад этдим. Бунинг устига ўша куни тоғ атрофини сарғиш туман қоплаган, бу эса ўз навбатида саёҳат жозибасига путур етказаетган эди. Жозефина эса ёлғиз ўзимни машинада қолдириб аразлаганча қаергадир кетиб қолди. Балки у мени ёмон кўзлардан сақлаш мақсадида дуо ўқиш учун Лурдга ошиқаетгандир? Мен эса дунёга сеҳргарлари билан танилган шаҳарда ҳеч қачон бўлмаганимга ҳам розиман. Шарл Сображни ўқийверганимдан хаёлларим чалкашиб кетди, Бернадеттани Субира билан, Адурасувини Ганга тошқинлари билан адаштираман.

Кейинги кун Тур де Франс доводидан кўтарилгунча машаққатли йўл кечдик, ҳаво чидаб бўлмас даражада иссиқ эди. Машинани Жозефина ҳайдар, мен ёнида ўтирар эдим, “Илон изи” орқа ўриндиқда ётар эди. Эрталабдан бери китобга қўлимни ҳам теккизмадим, Жозефина китобга бўлган иштиёқимни нотўғри тушуниб, рафиқамга бўлган қизиқишим йўқолган, деб ўйламасин. Биз айни зиёратлар мавсумида келганимиз учун меҳмонхоналар тўла эди. Лекин мен ҳар бир меҳмонхонадан жой сўраб чиқдим. Ҳаммаси менга: “Минг афсус”, деган жавобни беришарди. Бундай жавобни қандай оҳангда айтилиши эса меҳмонхона баҳосига боғлиқ эди.

Терлаганимдан кўйлагим белимга ёпишиб қолган, унинг устига ҳар бир рад жавобидан кейин янги жанжал бошланиш эҳтимоли бор эди. Шу пайт “Англетер”, “Испания”, “Балканлар” ва яна қайсидир меҳмонхонадан маъ-юс оҳангда: “Ҳа, жой бор”, деган жавоб келди. “Мўъжиза!”, деб бақриб юборишимга сал қолди, лекин вазият

жиддий эди. Лифт жуда ҳам кенг экан, ўн дақиқадан сўнг эса душ қабул қилаётиб, ваннамиз ногиронлар учун мўлжалланганлигини тушундим.

Жозефина чўмилгунча мен устимда сочиқ билан музлаткич томон югурдим. Бошланишига ярим шиша сув ичиб юбордим. О, шиша! Мен лабларим қуриб турган вақтда шишадан сув ичишнинг роҳатини ҳеч қачон унутмайман. Шампань виносини олиб ўзим ва Жозефина учун қуйдим. Ҳамма вазифаларимни қилиб бўлганимдан сўнг секингина яна Шарл Сображнинг саргузаштларини ўқишга отланаётган эдим, шампань виносининг кучидан Жозефинада яна саёҳат қилиш иштиёқи пайдо бўлиб қолди. “Илоҳий Парини кўргим келяпти”, деди католик ёзувчи Франсуа Мориакнинг машҳур расмидагидек икки оёғида сакраб.

Мана биз ўша илоҳий жойга қатор олиб кетилаётган ногиронлар аравачалари кетидан чиқиб боряпмиз. Астагина беморларни кузата бошладим. Улардан бирининг нигоҳи менга тушди, шунда унга табассум қилган эдим, у бўлса менга тилини чиқарди. Худди айб иш қилиб қўйгандек қулоқларимгача қизариб кетдим. Пушти оёқ кийим, пушти шим, пушти свитер кийиб олган Жозефина хурсанд бўлиб одамлар орасида кетиб борар эди. Ҳамма француз руҳонийлари шу ерга йиғилганга ўхшайди. Жозефинанинг болалигидаги қўшиғи: “Илоҳий Мария, гуноҳларимиздан кечгин”, қўшиғини руҳонийлар хор бўлиб айтишганида қувончи ичига сиғмай кетди. Четдан кўрган одам ўзини гўё Европа чемпионатига тушиб қолгандек ҳис қилган бўлар эди. Муқаддас Мария ғориға кириш учун жуда узун навбат турибди, руҳонийлар эса тинмасдан ўз қўшиқларини айтишар эди. Мен ҳеч қачон бундай карвонни кўрмаганман. Худди Москвадаги Ленин мақбарасига ўхшарди.

– Менга қара, бунақа узун навбатда туришни хоҳламайман!

- Афсус, – деди Жозефина, – бу сендек бетавфиқлар учун фойдали бўлар эди.
- Асло бундай эмас, ҳатто бу хавfli ҳам. Тасаввур қил, вазиятнинг энг қизиган пайтида кимдир шол бўлиб қолса.

Ўнга яқин калла мен томонга қараб ким бундай қўрқинчли гапларни гапираётганини билиш учун бурилди. “Аҳмоқ”, пичирлади Жозефина.

Ҳамманинг эътиборини ёмғир тортди. Биринчи ёмғирлар ерга тушиши биланоқ ер ҳиди кўтарилди. Ҳамма қатори биз ҳам Иоан XXIII нинг ертўласига кирдик. Дуо ўқиладиган бу ертўлада руҳонийлар соат олтидан то ярим тунгача ҳар икки-уч соатда алмашиб ишлашар эдилар. Мен Жозефинани кетидан бўш жойларни қидиргани йўл олдим. Баланд товуш жаранглар эди: “Осмондаги қудратли Худога шукурлар бўлсин... шукурлар бўлсин... бўлсин...”

Тиловат пайтида олдимда турган одам, жуда эътиборли зиёратчи экан, дурбин чиқариб бўлаётган воқеаларни кузата бошлади. Бошқа диндорлар эса бундай қилишдан ўзларини тийдилар. Жозефинанинг отаси ҳаётга биринчи қўйган қадамини айнан метрода дурбин каби буюмларни сотиш билан бошлаган экан. Шу касби уни сўзга чечан қилиб, радиога ишга киришига сабаб ҳам бўлибди. Ҳозирда эса у ўз истеъдодини фақат тўй маросимлари, ер қимирлагани ва бўлиб ўтган бокс ўйини ҳақида гапираётганида ишлатади.

Ташқарида ёғаётган ёмғир тинди. Салқин ҳаво тушди. Жозефина “дўкон айланайлик”, деган гапни айтди. Кўз олдимга узун кўча, кетма-кет, бир-бирига зич жойлашган сувенир дўконлари ва тасаввурга сиғмайдиган даражада кўп диний нарсалар келди. Жозефина коллекция қилишни яхши кўрарди: эски атир идишлари, сигир ёки сигирлар тўдаси чизилган қадимий расмлар, Токио ресторанларида меню ўрнига кўрсатиладиган сунъий овқатли ликопчалар, умуман олганда, саёҳат вақтида топган ҳамма нарсасини йиғиб боради. Кўчанинг чап тарафидаги тўртинчи дўконда тақводорларнинг туморлари, Швейцария соатлари ва пишлоқ учун ликопчалар орасида уни бир нарса кутиб турар эди. Бу нарса чиройли, ёниб турадиган тошли, ажойиб ҳайкал эди.

- Мана менинг Илоҳий Парийим! – мамнун хўрсинди Жозефина.
  
- Мен сенга шуни совға қиламан, – дедим. Лекин кўнглим сезяптики, савдогар “бу ягона нусха” деган баҳона билан хоҳлаган нархини айтиб юборади. Шу кеча биз меҳмонхонада бу ноёб нарсани сотиб олганимизни нишонладик, унинг ёниб турган тошининг шуъласи қучоғимизни ёритиб турарди, шипга ажойиб нурлар тараларди.
  
- Биласанми, Жозефина, Парижга қайтганимиздан сўнг ажрашганимиз маъқулми дейман.
  
- Наҳотки мени бу ҳақида билмайди деб ўйласанг-а?

– Лекин, Жозе...

У ухлаб қолди. Жозефинанинг қийин пайтда бирданига ухлаб қолиш иқтидори бор эди. У беш дақиқага ёки бир неча соатга ҳаётдан узилиб қолар эди. Бир қанча вақт девордаги сояларга тикилиб ётдим. Қайси аҳмоқ бутун хонани олов рангига бўяган экан-а?

Жозефина ҳали ҳамон ухлар эди. Мен эса аста кийина бошладим. Кўнглимда севимли машғулотим – тунги дарбадарлик хоҳиши уйғонди. Бу менинг мушкул вазиятларни енгиш усулим эди. Тўхтамасдан то чарчагунгача олға қадам босиш даркор. Хиёбонда ўсмирлар бир-биридан қизғаниб, пиво ичиб ўтиришар эди. Ёмғирдан сақланиш учун ахлат халталарини тешиб, кийиб олишган эди.

Ғорга кириш йўли оғир панжаралар билан беркитиб қўйилган. Лекин шу ерда туриб ҳам ғор ичидаги ёниб турган юзлаб шамларни кўриш мумкин. Кейин йўлим сувенир дўконлари жойлашган кўчага тушди. Тўртинчи дўконда худди бизникидек Мария ҳайкалининг янгиси қўйиб қўйилган экан. Шунда яна меҳмонхонага қайтиб узоқдан хонамиздан порлаб турган нурни кўргим келди. Қоровулни уйғотиб юбормаслик учун зинадан аста кўтарилдим. “Илон изи” ёстиғим устида ётар эди. “Буни қаранг-а, – пичирладим мен, – Шарл Сображ ҳақида унутиб қўйибман-ку”.

Жозефинанинг ёзувини танидим. 168-бетда катта қилиб “Мен...” деб бошланган гап бутун саҳифани эгаллаб, уни ўқиб бўлмайдиган ҳолатга келтирганди:

“Мен сени севаман, ярамас. Жозефинангни қийнамагин”.

Хайриятки, мен бу бобни ўқиб бўлган эдим. Муқаддас Пари хайкалини ўчирдим, чунки тонг отаётган эди.

Парда

Мен болаларимни кузатаман, уларнинг онаси эса бу пайт мени ногиронлар аравачасида йўлакчалар бўйлаб олиб юради. Ўзимни арвоҳ ота каби ҳис қилсам-да, олдимда югуриб юрган фарзандларим Теофил ва Селеста менга қувонч бағишлайди. Юрган йўлида Теофил оғзимдан оқаётган сўлакни қоғоз салфетка билан артиб қўймоқда. Бир томондан авайлаб, меҳр билан артаётган бўлса, иккинчи томондан гўё тўсатдан ҳужум қилиб қолиши мумкин бўлган хавфли жонзот олдида турган каби қўрқаётган эди. Тўхташимиз биланоқ Селеста қўллари билан бошимни ушлаб, пешонамдан ўпиб, тинмай бир гапни жоду қилаётган каби такрорлар эди: “Бу менинг дадам, бу менинг дадам”. Оталар байрамини нишонлаямиз. Бу бахтсиз ҳолат мен билан юз беришидан олдин биз бу ўйлаб топилган байрамни изтиробли тақвимимизга қўшмаган эдик. Энди эса бу шарафли кун менга, бир бурдагина бўлиб қолган отага атаб нишонланмоқда. Мен аросатда қолган эдим: уларнинг кулишини, ўйнашини кўриш мен учун бахт бўлса, иккинчи томондан ўн ёшли бола ва унинг саккиз ёшли синглиси учун бу қўрқинчли ҳолат, ёмон таъсир қилишидан қаттиқ қўрқар эдим. Биз соҳил қирғоғига жойлашамиз – қуёш нури тушиб турадиган, шабада эсиб турадиган жойни шундай атаймиз. Маъмурият олдиндан стол ва ўриндиқлар олиб чиқишган эди. Яқин

атрофда худди пляжда ўсадиган дарахтлар ҳам ўсган. Бу жой касалхона ва қизғин ҳаёт давом этаётган шаҳарнинг ўртасида жойлашган бўлиб, қуёш нурида орзуларга берилиб ётса бўлади... қанийди, аравача учар елканли бўлиб қолса...

– Келинлар, “осилган”[27]ни ўйнаймиз? – деди Теофил.

Агар гапириш қобилиятим ёмонлашмаганида, унга фалаж ҳолатим ҳам етарли эканлигини жон деб айтар эдим. Учили камон ўқини мўлжалга узоқ олаверсангиз ҳам ўткирлигини йўқотади. Бошида сўзларни ҳафсала билан ҳарфма-ҳарф ишора қила бошлайман-да, охирига бориб жонга тега бошлайди. Шунинг учун гапни қисқа қилишга тўғри келади. Тўғри, шу жойида бирон бир қизиқ, ўткир маъноли гап айтгиси келади киши. Лекин ноиложлик менга катта қийинчилик туғдиради.

Еттинчи синфларнинг миллий ўйини – “осилган”ни ўйнашни бошладик. Мен биринчи сўзни айтаман ва иккинчи сўзни айтаман, учинчисида тўхтаб қоламан. Тўғриси айтганда, ҳозир кўнглимга ўйин сиғмаяпти. Мен ғамга ботиб кетяпман. Олдимда ўғлим Теофил ўтирибди, мен унинг қалин сочларини сийпалолмайман, юзларини силай олмайман, бу жажжигина, иссиқ гавдасини қучоғимга боса олмайман! Қандай тушунтирсам экан? Бу жуда даҳшат, адолатсизлик, чидаб бўлмайдиган азоб! Охири чидай олмадим. Кўзимдан ёш чиқди, хириллаган овозим эшитила бошлади, Теофил чўчиб кетди. Қўрқма, болам. Мен сени жудаям яхши кўраман. Ўйинингдан хаёлимни узганим йўқ. Унинг гали ниҳоясига етди. Мен мағлуб бўлдим. Дафтар сўнгига осилган мурданинг расмини чизиб қўйди.

Бу пайти эса Селеста қум устида рақсга тушаётган эди. Бир дона кўзимнинг қовоғини кўтариш мен учун оғир атлетикада тош кўтариш билан баравар. Лекин назар ташлаганимда шуни тушундимки, қизим ҳақиқий акробат бўлибди. У қўлларида бемалол турарди, айланарди, “кўприкча” шаклига кирар, мушук каби эгилувчан эди. Келажакда танламоқчи бўлган касбларини рўйхатига яна бир касб қўшди: ўқитувчи, модель ва гул сотувчисидан кейин дор ўйинчиси. “Денгиз қирғоғи” да дам олаётганларни ўзининг рақслари билан мафтун қилган Селеста энди қўшиқ айтишга ўтди. Бу ҳол Теофилга ёқмади, чунки унинг энг ёмон кўрган нарсаси атрофдагиларнинг эътиборини тортиш эди. Теофил қанчалик оғир-вазмин, босиқ бўлса, синглиси шунчалик шўх, ҳамма билан киришимли эди. Ҳеч ким Теофилни бахтли яшайди деб айтолмайди, аммо бир нарса аниқ – у одамови бўлиб ҳаёт кечиради.

Мени бир савол қийнар эди, Селеста қаердан бунча кўп олтмишинчи йиллар қўшиқларини билади? Арди Жонни, Силвия, Шейла, Кло-Кло, Француза Арди – ўша замоннинг бир донаям қўшиқчиси эсдан чиқмади. Ўттиз йилдан буён хаёлимизда янграшдан тўхтамаган машҳур Ришар Антони[28] ҳам шулар қаторида эсга олинди. Ўтмиш воқаларини яна эсга солиб, Селеста қўшиқ айтарди. Ўн икки ёшимда қўлимга теккан магнитофонимда Клода Франсуанинг “Бечора бой қизалоқ” мусиқасини қирқ беш марта такрор эшитганимдан сўнг бошқа ҳеч қачон қайтиб эшитмаган эдим. Селеста бошини айтиши биланоқ, қўшиқнинг ҳар бир сатри, мисраси, нақороти, мусиқаси – ҳаммаси бирдан яна ёдимга тушди. Кўз олдимда пластинканинг усти, қўшиқчининг юзи, унинг ёқаси тугмалик катак-катак кўйлаги яна пайдо бўлди. Айнан шу кўйлаги ўша пайтлар мен учун энг катта, ушалмайдиган орзу эди, чунки онам бу каби кўйлақларни бачкана ҳисобларди. Ўша пайшанба ҳеч эсимдан чиқмайди. Мен пластинкани отамнинг амакиваччасидан, оғзидан “Житан” сигарети тушмайдиган

меҳрибон полвондан сотиб олган эдим. Бу одамнинг Шимолий вокзалнинг ертўласида миттигина дўкони бор эди. “Денгиз қирғоғида ёлғиз кезар, бечора бой қизалоқ...”

Вақт ўтар, одамлар бирин-кетин ғойиб бўлишар эди. Биринчи бўлиб онам қазо қилди, кейин электр токи зарбидан Кло-Кло, кейин эса отамнинг меҳрибон амакиваччаси вафот этди, болалари ва уй ҳайвонларини ёлғиз ташлаб кетди. Вақт ўтиб жавонимда ёқаси тугмали кўйлак кўпайиб кетди, миттигина дўконни эса менимча, шоколадлар билан савдо қилувчи киши сотиб олган. Қачон бўлса ҳам кимдандир қараб суриштириб келишни илтимос қиламан. Ахир Беркка поезд Шимолий вокзалдан кетади.

– Офарин, Селеста! – қичқирди Силвия.

– Ойи, жонимга тегди, – нолишни бошлади Теофил.

Соат беш бўлди. Одатда жуда ёқимли эшитиладиган қўнғироқ зарблари оилам билан ажралиш вақти келгани ҳақида хабар бергани учун гўё менга аза овозидек эшитилмоқда. Майин шабада эсмоқда.

Денгиз шунчалар кенгайиб кетган эдики, у ерда чўмилаётганлар уфқдаги майда нуқтачаларга айланишган эди. Кетишдан аввал болалар соҳилда ўйнаб келишга кетишган, Силвия ҳеч ким йўқ пайтда жонсиз қўлимни ушлаб олган эди. Очиқ осмон акси кўриниб турган қора кўзойнаги ортида бахтсиз ҳаётимизни ўйлаб йиғлаётганини кўрмоқда эдим.

Сўнги гапларимизни айтиб олиш учун яна палатамга қайтиб кирамиз.

– Аҳволлар қандай? – сўрайди Теофил.

Аҳволлар ҳавас қиладиган даражада эмас, томоқ қуриб қолган, қўллар қуёшдан куйган, бел эса узоқ вақт ўриндиқда ўтирганим туфайли увушиб қолган. Лекин кун ажойиб ўтгани, шубҳасиз. Менинг чексиз ёлғизлик маконимга қилган саёҳатингиз сизда қандай таассурот қолдирар экан?

Улар кетишди. Париж томон йўлга чиқиб бўлишган бўлса керак. Мен Селеста олиб келган ва шу заҳотиёқ деворга осиб қўйилган суратга боқиб, ўйга толаман. Расмда балиқ тасвирланган: кўзчалари кўк киприклар билан ҳошияланган, ҳар бир тангачаси ҳар хил ранг. Лекин расмнинг қизиқ томони буларда эмас, асл моҳият балиқнинг чексизлик белгисига ўхшатиб чизилганидир. Қуёш нури деразадан тушиб турарди. Ҳозир айнан қуёш нури тўшагимнинг бош тарафига тушиб, куйдирадиган пайт, хайрлашув билан овора бўлиб пардани ёпишлари ҳақида белги бериш эсимдан чиқиб қолибди. Майли, яқин орада бирон-бир ҳамшира келиб қолар.

Париж

Мен узоқлашяпман. Секин, аммо тўғри йўл билан. Худди сузишни бошлаган денгизчи соҳилдан узоқлашаётгани каби ўтмишим аста-секин ўчиб бормоқда. Ўтмишдаги ҳаётимнинг ўрни ҳали илиқ эди, лекин хотиралар кулга айланиб бормоқда. “Скафандр ичида

яшаш”ни бошлаганимдан кейин, иккита катта саёҳат уюштирдим. Булар Париждаги тиббий марказлардан маълумот йиғишдан иборат эди. Жуда замонавий усулда қурилган бино олдидан санитар машинасида ўтиб кетаётганимизда мени ҳаяжон босди. Мен айнан ўша ерда машҳур аёллар ҳафталик газетасида бош муҳаррир сифатида ишлар эдим. Олдин олтмишинчи йиллардан қолиб кетган қадимий қўшни бинони танидим. Кейин бизнинг бино: усти ойнали, осмондаги булутлар ва самолётлар акси кўриниб турадиган бино. Зиналарда ўн йилдан бери кўриб юрган одамнингизни учратишингиз мумкин, лекин исмини билмайсиз. Мен қайрилиб қарайдим, кетаётган болали аёлдан кейин таниш одам чиқиб қолса кўрмоқчи эдим. Аммо тақдир эмас экан. Балки олтинчи қаватдан кимдир мени “машина”да ўтиб кетаётганимни кўргандир? Ҳар куни овқат сотиб олган ошхонамнинг олдидан ўтиб кетаётганимизда аста йиғлаб юбордим. Мен сездирмай йиғлашни биламан, бундай пайтларда атрофимдагилар кўзимга нимадир кириб қолган, шекилли, деб ўйлашади.

Тўрт ой ўтганидан кейин иккинчи марта Парижга борганимда, менга фарқи бўлмай қолган эди. Қуёш кўчаларни иситиб турар, менда эса ҳали ҳам қиш фасли давом этмоқда, машина ойнасидан эса суратга олинган хотираларни томоша қилаётганга ўхшар эдим. Кино санъатида бу репроекция дейилади: қаҳрамон машинаси йўлга чиққандек бўлади, аслида эса йўл кўрсатилаётган сахна олдида турган бўлади. Хичкок фильмлари бу усулга миннатдорчилик билдириши керак. Ҳамма нарса ўз жойида бўлган бўлса ҳам, бу сафарги Парижга бўлган сафар менда умуман таассурот қолдирмади. Гуллик кўйлак кийган аёллар ҳам, ролик учиб юрган ўсмирлар ҳам. Автобуснинг тариллаган товуши, Опера майдони эса Дюфи[29] суратидан чиқиб тургандек эди. Баланд дарахтлар ва осмондаги оппоқ пахталар... Мендан ташқари ҳамма нарса ўз ўрнида эди. Мен йўқ эдим.

## Сабзавот

“Саккизинчи июнда янги ҳаётимнинг бошланганига ярим йил бўлади. Шифтда хатларингиз кўпайиб кетган, деворлар эса сизлар юборган расмлар билан тўлган. Ҳар бирингизга жавоб бериш имкониятим йўқлиги туфайли ҳаёлимга бир фикр келди. Ҳаётимда бўлаётган воқеаларни, ютуқларимни, умидларимни умумий қилиб ёзаман. Аввал мен қўрқинчли воқеа содир бўлмади, деб ўйлагим келган эди. Беҳушлик ҳолатидан чала чиққан ҳолимда ишончим комил эдики, яқин орада яна Париж ҳаётига қайтаман, лекин иккита қўлтиқтаёқ билан. Шунисига ҳам шукур қилган бўлар эдим...”

Берқдан дўстларимга, танишларимга жўнатмоқчи бўлган биринчи хатим шу жумлалар билан якунланди. Олтмишта манзилга жўнатилган бу хат барча миш-мишларга барҳам берди. Шаҳар, юзта оғизлик ва юзта қулоқлик махлуқ мендан аламини олишни хоҳлади. “Флора” кафеси – Париждаги олифталар, таъмагирлар гавжум бўлган жой. Шу кафеда менинг дўстларим тилини тийиб юра олмайдиганлар менинг ғийбатимни қилишибди.

“Эшитдингларми, жаноб Б. “сабзавот” га айланиб қолибдимми?” сўрабди ғийбатчилардан бири. “Албатта хабарим бор, “сабзавот”га айланиб қолибди”.

“Сабзавот” сўзи буларнинг кўнглига хуш келибди, шекилли, ҳар икки гапнинг бирида ишлатишибди. Уларнинг фикрича, ўзимга ўхшаган “сабзавотлар” билангина гаплашишдан бошқа чорам йўқ. Замон тинч, ҳеч ким олдингидек ёмон хабар олиб келган одамни отиб ташламайди. Мен ўзимга ишонаман ва ақлий даражам ҳар

қандай соқол ўстириб олган файласуфниқидан баландроқ эканини бемалол исботлаб бера оламан.

Шу йўсинда умумий, ҳамма учун ёзиладиган бу хатлар ҳар ой яхши кўрган инсонларим манзилига юборилаверди. Ғуруримни бир четга суриб, ҳаммага бўлаётган воқеаларни айта бошладим. Улар шуни тушуниб етдиларки, фақатгина айрим қийин вазиятларни ҳисобга олмаганда, менинг скафандримга киришнинг иложи бор.

Менга жуда ажойиб хатлар келмоқда. Уларни босиб чиқариб қаршимга, ўқишим учун қулай қилиб қўйишади. Бу ҳол одат тусига кириб қолди, хат ташувчи ҳар гал бир оғиз гап ҳам гапирмасдан хатни тайёрлаб кета бошлади. Ҳар бир хатни ўзим, синчиклаб ўқиб чиқаман. Айрим хатлар жуда жиддий кайфиятда ёзилган. Бу хатларда ҳаётнинг асл маъноси, қалб поклиги, тирик-ликнинг моҳияти ҳақида гап боради. Энг қизиғи, бундай чуқур маънога эга хатларни мен билан муносабати унчалик яхши бўлмаган инсонлар ёзишган. Уларнинг олдинги ҳаётимдаги бепарво муносабати ортида соф туйғулар яширинган экан. Наҳот шу пайтгача кўр бўлганман ёки инсонларнинг асл қиёфасини кўриш учун фалокатга йўлиқиб, бахтсиз бўлиб қолиш шартми?

Қолган хатлар кичкина воқеалар баёнидан иборат бўлиб, вақт ўтаётганини билдириб туради. Шомда узиб олинган атиргул, чеки йўқ ёмғирли якшанбалар, уйқудан олдин йиғлайдиган чақалоқ. Фарқи йўқ, бу хатлар уч қаторлими ёки саккиз бетлими, узоқ Левантдан келдими ёки Леваллуа-Пеериданми – ҳаммасини хазинадек асрайман. Хоҳлардимки, бир кун келиб ҳамма хатларни бир-бирига улаб, улар учун километрлик тасма ҳосил қилай. Бу тасма дўстлик ришталарининг рамзи ҳисоблансин.

Шунда ғийбатчилар мағлуб бўлишади.

## Сайр

Иссиқ ҳаво одамни ҳолдан тойдирмоқда. Лекин мени ташқарига чиққим келмаяпти. Бир неча ҳафталар, балки ойлар ҳам ўтдики, мен касалхона ҳудудини тарк этиб, денгиз қирғоғига олиб борадиган йўл бўйлаб сайр қилганим йўқ. Сўнгги маротаба бундай сайр қишда бўлган эди. Совуқ, булутли кунда қирғоқда сайр қилувчилар шамолга қарши энгашиб юришарди. Энди эса Берк соҳилини ёзги кўринишини кўргим келяпти. Айтишларича, кимсасиз чўлни эслатиб турган бу жой ҳозирда одамлар билан гавжум эмиш. Ташқарига чиқиш учун “Соррел” биносидан чиқиб, учта машиналар тўхташ майдонини кесиб ўтиш зарур. Йўл текис эмаслиги, ғадир-будурлиги аравачада ўтирган одам учун қанчалик азоб. Шунингдек, ўнқир-чўнқирликлар ва тинимсиз ҳаракатдаги машиналар ўтишим учун қийинчилик туғдириши турган гап.

Денгизга ҳам чиқиб олдик. Қуёшдан сақловчи соябонлар, чўмилиш анжомлари, қора кўзойнак тақиб олган сузувчилар ёз кайфиятини яратиб турибди: таътил, хурсандчилик, хуш кайфият. Бу ер касалхонадан тубдан фарқ қилди, юракни сиқадиган кўринишдаги чексиз йўлаклар йўқ. Лекин баланд-паст тўлқинлар, туманли уфқ ўша-ўша.

Атроф тўла офтобдан қорайган оёқлар, музқаймоқ кўтариб олган дам олувчилар, биз эса тахта йўлакчадан кетиб бормоқдамиз. Мен ҳам ўзимнинг маза қиб музқаймоқ ялаб, қуёш нурларидан баҳра

олиб ётганимни тасаввур қилиб кўрдим. Тўғриси айтганда, ҳеч ким менга эътибор бермаётган эди. Ногиронлар аравачасидаги одам беркликлар учун худди Монте-Карлодагилар учун “Феррари” да кетаётган одамдек оддий ҳолат эди. Бундай омадлилар мендек мусибатга йўлиққан, синганни олдидан ҳавасимни келтириб ўтиб кетаверади. Бугун менинг ҳамроҳларим Клод ва Брис эди. Клодни мен икки ҳафтадан бери биламан, Брисни эса йигирма беш йилдан бери. Ҳар куни келиб мен ҳақимдаги шу китобни ёзиб борадиган аёлга узоқ йиллик дўстимнинг мен тўғримдаги айтиб бераётган маълумотларини эшитиш жуда ғалати бўлар экан. Менинг жиззакилим, китобларга бўлган муҳаббатим, мазали овқатларни севишим, усти очиладиган қизил машинам – ҳамма-ҳаммаси ҳақида аралаштириб гапирмоқда. Қисқаси, ўтмишда қолиб кетган ҳаёт ҳақида айтиб бераётган ҳикоячи эди.

– Мен сизни бунақа деб тасаввур қилмаган эдим, – деди Клод.

Энди менинг атрофимдаги дунё иккига бўлинди: мени аввал таниган инсонлар ва кейин таниганлар. Мени қандай инсон бўлган деб ўйлашган экан? Уларга кўрсатиш учун палатамда ҳеч бўлмаганда расмим ҳам йўқ.

Соҳил қаҳвахонасининг кенг зиналари олдида тўхтаيمиз. Зиналар менга “Порт дэ-Оттей” метро станциясининг кириш жойини эслатди. Болалигимда “Молитор” ҳовузидан қайтаётиб шу метродан хлорнинг ҳиди деб кўзларим ёшланиб чиқиб келар эдим. Ҳовуз бир неча йиллар аввал бузиб ташланди. Зиналар эса энди мен учун буткул қоронғи.

– Балки қайтгинг келаётгандир? – сўради Брис.

Мен бор кучим билан бошимни қимирлатиб қаршилиқ кўрсатар эдим. Экспедициянинг асл мақсадига етиб бормас эканмиз, ортга қайтиш йўқ. Тезлик билан эски карусель олдига борамиз, карусельнинг музикаси эса асабимни ўйнар эди. Йўлда эса Фанхиони[30], касалхонанинг юлдузини учратиб қоламиз. Адолат каби эгилмайдиган Фанхио ўтира олмас эди. Фақатгина турар ёки ёта оладиган бу одам аравачасида ёнламачасига тезлик билан ҳаракатланар эди. Аммо бу, бўйлари узун, гавдали, “Фанхиога йўл беринг!” деб бақириб юрадиган одам асли ким экан? Умуман, хабарим йўқ. Ниҳоят, саёҳатимиз охирига, йўлак сўнгига етдик. Мен бу ерга чиройли манзарани кўргани келганим йўқ. Аслида менинг мақсадим соҳилнинг четида жойлашган таомхонадан чиқаётган мазали ҳиддан баҳра олиш эди. Бу иштаҳоочар манзилдаги ислар ҳузур бағишлар ва ҳеч қайси тирик инсон бу ҳидларга бефарқ бўла олмайди. “О, ля, ля , – орқамдан овоз эшитилди, – куйиб қолган чўчқа гўшти сасияпти, шекилли”.

Мен эса қовурилган картошка ҳидига ҳеч тўя олмаяпман.

Бирга йигирма

Ниҳоят отнинг исмини эсладим. Унинг исми Митра-Граншан эди.

Венсан, ҳозирда адашмасам, Абвил деган жойдан ўтиб кетаётган бўлса керак. Бу шундай жойки, Париждан машинада ўтиб кетаётганингизда саёҳатингиз чўзилиб кетгандек туйилади. Катта

тезлик билан келинадиган йўл иккига бўлинади. Ўша ердан бошлаб энгил ва юк ташувчи машиналарнинг тизилиб туриши бошланади.

Бу воқеага тахминан ўн йил бўлди. Венсан, мен ва яна бир нечта одамга газета (ҳозирда мавжуд бўлмаган) муҳаррири бўлиш имконияти пайдо бўлди. Ноширлик ишларига ўзини бағишлаган бу газетанинг бошқарувчиси бемалол ўз меросини Парижнинг энг ёш гуруҳига, бизга топширмоқда эди. Биз эса унга қарши ҳам сиёсий, ҳам молиявий ҳужум қилиб, беш-олти йил ичида тайёрлаган ижодини ундан тортиб олиш режасини тузиб қўйган эдик. Биз билан курашиш учун охириги ресурсларини тикди, биз эса юз фоиз жангга киришдик.

Мана ҳозир Венсан чорраҳадан ўтиб кетмоқда. Сал юриб чапга, Руан ва Кротуа томондан тор кўчага кириб, кичкина қишлоқлардан кезиб Беркка келиши керак. Бунақа чалкаш йўллар кўникмаган одамни адаштириб юборади. Лекин Венсан йўлини йўқотмайди, у бир неча марта келиб мени кўриб кетди. Манзилни осонликча топиш хусусиятидан ташқари содиқлик ҳиссиёти ҳам Венсанда кучли эди.

Биз доимо бир хил эдик. Саҳарда ҳам, кечки пайт ҳам, дам олиш кунлари ҳам ва ҳатто ярим тунда ҳам бешовимиз ўн иккита одам эплэй олмайдиган ишни қилар эдик. Бир ҳафта ичида Венсанда ўнга яқин режалар пайдо бўлди: учтаси зўр, бештаси яхши, иккитаси умуман ёмон. Мени вазифам Венсаннинг шошқалоқ хулқини тинчлантириб туриш эди. Чунки, у бирдан дунёдаги ҳамма нарсани бир вақтда хоҳлаб қолар эди.

Унинг машина ҳайдаётган вақтида асабийлашиб оёғи титраётганини ва йўллардаги тирбандликлардан жаҳл қилиб

сўкинаётганини шу ердан туриб эшитаётгандекман. Катта, қулай йўл икки йилдан кейин Беркка етиб келади, ҳозир эса қурилиш давом этмоқда. Шунинг учун тор йўллардан юришга тўғри келади.

Биз ҳеч қачон ажралмас эдик. Бирга овқатланардик, ичардик, ухлардик, севардик, орзу қилардик – фақат ва фақат газета билан ва газета учун. Кимнинг хаёлига от чоптириш пойгасига бориш фикри келган эди? Совуқ, қуруқ, тоза ҳаволи қиш куни эди, Венсан эса пойга дардида. На мен, на у пойгага қизиқар эдик. Бир куни бир отчопар бизни ипподромда[31] меҳмон қилиб, от чоптириш “дунё”сига қизиқтириб қўйди. Унинг айтишича, Митра-Граншан исмли отнинг пойгада ютиши йигирмадан бирга тўғри келади, лекин ютса унга пул тикканлар жуда катта ҳажмда даромад қилар экан.

Венсан Беркнинг яқинига келиб ҳам қолгандир.

Ҳамма қонунбузарлар, қиморбозлар, пойга мухлислари йиғилиб олган залда овқатланиб олдик. Қорнимизни тўйдирганимиздан сўнг асабий сигарет чека бошладик. Ҳамма тўртинчи марта пойга бўлишини асабийлашиб кутар эди.

Венсан денгиз ёқасидаги хиёбондан бурилиб, тепага кетган йўлдан юрмоқда. Охириги марта қишда келганида кимсасиз кўринган Берк соҳилини ҳозирда одам тўлалигида кўриб бу жойларни зўрға таниди.

Кутиш жараёнига шунчалик берилиб кетибмизки, пойга бошланиб кетганини билмай қолибмиз. Гаров пули тикиладиган жой – касса биз боришимиз билан ёпилди. Мен ҳатто таҳририятдаги

одамларимиз йиғиб берган пулни чўнтагимдан чиқаришга улгурмай қолдим. Митра-Граншан омадсиз от бўлишига қарамасдан, унинг исми ҳамма ёққа овоза бўлиб кетди ва миш-мишлар туфайли ҳамма айнан шу отга пул тикишга қизиқиб қолди. Энди фақат пойгани томоша қилишгина қолди... Охирги бурилишга келганда Митра-Граншан узоқлаша бошлади. Охирига борганда эса мўъжизавий ҳолатда ҳамма рақибларини тахминан қирқ метр ортда қолдириб, маррадан ўтиб кетди. Гўё қанот чиқаргандек. Таҳририятда ҳамма хурсанд бўлган бўлса керак.

Венсан машинасини касалхона машиналар турар жойига қўйди. Қуёш кўзни қамаштирмоқда. Энди эса у мени дунёдан ажратиб турувчи йўлни сабр билан босиб ўтиши керак: ўзи автоматик ҳолда очиладиган ойнали эшиклар, 7 рақамли лифт ва 119-палатага олиб борадиган даҳшатли йўлак. Жиндек очиқ ҳолда турадиган эшик тавақасидан ҳаёт бир четга улоқтириб ташлаган одамларнинг ётоққа михланиб ётганини кўриш мумкин. Бу ҳолат инсонни ҳайратга солади. Мени кўргани келган ҳар бир одам палатамни топгунча бошида йўқолиб қолиши керак. Бу уларга кўз ёшларини артиб, ўзларига келиб олишга ёрдам беради. Улар мени кўрганларида аввалига нафасларини ушлаб турадилар, худди сузувчи сувга сакрашидан олдин нафас ушлаб тургандек. Менинг олдимга шундай инсонлар келганки, хонага кирмасдан туриб, чидай олмай, Парижга қайтиб кетишган.

Венсан эшикни тақиллатади-да, бир оғиз сўз ҳам гапирмай хонага кириб келади. Мен қолганларнинг ҳайрат тўла кўзларига ўрганиб қолган эканман, унинг тинч назарини кўриб ҳайрон қолдим. Фалаж юзим билан ташаккур сифатида табассум қилишга ҳаракат қиламан. Буни сезган Венсан пешонамдан ўпиб қўйди. У ҳеч ўзгармайди. Малла соч, хўмрайган юз, валлиялик касоба уюшмасининг бошлиғига ўхшар ва у ҳозирда “руда газининг

портлашини қурбони” бўлган дўстини кўргани келган. Гавдали, оғир вазни курашчи каби тепамга келди.

Ўша куни Митра-Граншаннинг ғалабасидан кейин сўз бошлади: “Биз аҳмоқмиз. Ҳақиқий аҳмоқмиз. Таҳририятда бизни ўлдиришади”. Бу унинг тез-тез қайтариб турадиган ибораси эди.

Очиғини айтганда, Митра-Граншан воқеасини унутиб юборган эдим. Лекин ҳозир хаёлимга негадир ёлғизлик ҳисси ва ҳаётимдаги ўтказиб юборган имкониятларим келиб қолди ва битган ярани яна янгилади: Митра-Граншан – бу мен сева олмаган аёллар, мен фойдаланишни хоҳламаган имкониятлар, мен қўлдан бой берган бахтли дамлар. Шунинглаб етдимки, ҳаётим шундай майда омадсизликларнинг занжиридан иборат бўлган экан. Пойганинг натижаси қандай бўлишини биласан, лекин ғалабага эриша олмайсан. Айтгандек, биз бу вазиятдан ҳаммасига ўзимиз тўлаган ҳолда чиқиб кетдик.

Ўрдак ови

Locked-in syndrome касаллигидан азоб чекадиганларнинг қийин-чиликларидан ташқари менинг эшитиш қобилиятим ҳам ёмон. Ўнг қулоғим билан ҳеч нарса эшитмайман, чап қулоғимнинг евстахий найчаси узоқни жуда баланд эшитади. Агар осмондан самолёт ўтиб кетаётган бўлса мен учун худди қулоғим остига кофе пиширадиган аппаратни ёқиб қўйишгандек туйилади. Лекин бу шунчаки бир неча лаҳзалик шовқин. Эшикни ёпиш эсидан чиқиб, хонамни тарк этишганда, ташқаридан келаётган ғала-ғовурлар

ундан ҳам баттар мени қийнайди. Пошналарнинг тақиллаши, аравачаларнинг бир-бирига урилиб кетиши, тинимсиз гаплашишлар, ҳамширалар бир-бирига гап ташлайди, бунинг устига уларнинг овози биржачиларнинг тўнтариш кундаги овозига ўхшайди, ҳеч ким тингламаётган радио қўшилади, ҳаммасининг овозидан баланд бўлган электр полартгич қўшилади-да, мен дўзахга тушаман. Бу ерда шундайлар борки, тўхтовсиз битта қўшиқни қайта-қайта эшитаверади. Палатада жуда ёш қўшним бор эди. Унга замонавий технологик имкониятлар билан қуроллантирилган ўйинчоқ ўрдак совға қилишган эди. Ҳар гал хонамизга одам кирганида ўзидан жудаям баланд, ёқимсиз овоз чиқарар эди. Кунига саксон марта. Шукрлар бўлсинки, бу ёш болага уйига кетишига рухсат беришди, йўқса, мен ўрдакни йўқ қилиш режамни ишга солмоқчи бўлиб турган эдим. Барибир бу режани кўз остимга олиб қўйганман. Худо билади, яна қандай қўшнилар менга тўғри келаркин. Лекин энг ғалати қўшним бўлган одам бу комадан кейин ўзига кела олмаган бемор. У ҳамшираларни тишлар эдимией, бўғибмией ва ҳатто бир стакан сувни ҳам ҳаммаёқни бошига кўтариб сўрар эди. Бошида бу бақир-чақир докторларни хавотирга солаётган эди, кейин эса эртами-кечми бақирганига эътибор бермай қўйишди. Неврология бўлими қушлар инига ўхшаб қолди: тинимсиз шовқин-сурон. Кейин эса қўшнимни олиб чиқиб кетишди, у эса “Қутқаринглар, ўлдиришмоқда!” деб бақирарди. Тўғриси айтсам, қандайдир маънода раҳмим келди.

Палатамда яна тинчлик ҳукм сура бошлади ва мен ёлғизликда хаёлларимдаги капалакларнинг учиб юрганини тинглайман. Уларнинг ҳар бир қанот қоқишини эшитиш жуда кучли эътиборни талаб этади. Сал қаттиқроқ нафас олиш ҳам уларнинг овозини эшитилмайдиган қилиб қўяди. Бу жуда ғалати. Менинг эшитиш қобилятим тикланмаган, лекин кундан-кунга уларни тиниқроқ эшита бошляпман. Менда капалаклар қулоғи бўлса керак.

Якшанба

Деразадан менга сариқ ғиштли девор кўринади, қуёш чиқаётганидаги дастлабки нурлардан уларнинг ранги ёрқинлаша бораверади. Девор пушти тусга кира бошлайди. Худди қадимги юнон грамматикаси Рата каби – тўртинчи синфдан хотиралар. Мен қадимги юнон тили ва адабиёти ҳақида кўп маълумотга эга бўлмаганман, лекин шу ранг менга жуда ёқади, мактаб даврларимдаги Алкивиада ити ва Фермопил қаҳрамонларини ёдимга солади. Бўёқ савдогарлари бу рангни “Антик давр пушти ранги” деб аташади. Бу нарсаларнинг касалхона пластерининг пушти ранглиги ва палатамдаги эшикнинг оч сиёҳ ранглиги билан умуман алоқаси йўқ.

Бугун якшанба. Вақт шунчалик секин ўтадики, агар бирон бир одам кўриш учун келмаса ҳеч қандай воқеа содир бўлмайди. На кинезитерапевт келади, на логопед ва на руҳшунос кўргани келади. Ягона қилинадиган иш – мени ювинтириб, кўринишимни тартибга келтириш. Лекин бу жараён ҳам одатдагидан тезроқ содир бўлади. Якшанба кунги оилавий ўтиришлар, балиқ овига сайрга боришлар, қисқаси, кўнгилхушликлардан навбатчилик туфайли маҳрум бўлган ҳамширалар феъл-атвори ўзгариб қолади. Ювинтириш эса жуда қўпол, оғриқли жараёнга айланади. Уч марта атир сепсангиз ҳам ҳақиқатни яшира олмаймиз: биз сасимоқдамиз.

Якшанба. Агар телевизор қўйишларини сўрамоқчи бўлсангиз, вазиятни қўлдан бой берманг. Чунки яна бошқа ҳамшира келгунича уч-тўрт соат ўтиши мумкин. Баъзан эса йиғлатадиган сериал ёки бемаъни кўрсатувни кўриш ўрнига умуман ҳеч нарса кўрмаганингиз

яхшироқ. Кўрсатувлардаги баланд қарсақлар овози бошимни оғритади. Мен санъат ҳақидаги ёки табиат, ҳайвонлар ҳаёти ҳақидаги фильмларни афзал кўраман. Мен уларни кўзимни узмасдан томоша қиламан.

Якшанба. Деворда осиглиқ турган соат қўнғироқлари тантанали жаранглайди. Ҳар куни варақлари узиладиган тақвим эса бирпасда август келганини кўрсатиб турибди. Бу нима аҳвол, нега бу ерда вақт тўхтаб қолганга ўхшайди, ташқарида эса кўз очиб-юмгунча ўтиб кетмоқда? Менинг тушунарсиз дунёимда соатлар жуда секин ўтади, ойлар эса тез. Мен ҳали ҳеч нарсага кўника олганим йўқ, бирпасда август келиб қолибди. Дўстларни, аёлларни, болаларни таътил шамоли ўзи билан бирга учириб кетди. Хаёлан улар ҳозир дам олаётган жойга бораман, лекин кўнглим бошқача бўлиб кетади. Бретанга арзон велосипедларда кўпгина болалар тўдалашиб келишади. Юзларида ёрқин табассум. Айримларининг ёши катта, лекин шундай қувноқ дамларда улар ҳам болалардай бўлиб қолишади. Куннинг иккинчи ярмида кемада орол бўйлаб айлангани боришади. Кичкина мотор сув оқимиға қарши курашади. Кимдир кема четига ёнбошлаб олиб, кўзларини юмган ҳолда бир қўлини сувға тикади. Жануб томонда соя жойларни топиш керак, йўқса, қуёш куйдиради. Кимдир табиат расмини чизиб ўтиради. Панжаси синган мушукча боғда пана жой қидиряпти, Камаграда эса буқалар тўдаси дарёни ёриб ўтмоқда. Ҳар бир оилада оналар байрамга шошилиб тайёргарлик кўришмоқда. Мен учун эса ўтмишда қолиб кетган “маросим” – тушлик ҳам катта аҳамиятга эга бўлган бўларди.

Якшанба. Токчамда йиғилиб қолган китоблар кичкина кутубхонага айланмоқда. Аслида кераксиз кутубхона. Чунки ҳеч ким ёнимга келиб, бу китобларни ўқиб бермайди. Сенека, Золя, Шатобриан, Валери, Ларбо – ҳаммаси бир неча метр узоқликда мендан, лекин мен уларга етишишимнинг асло иложи йўқ. Қоп-қора пашша

бурнимга қўнаверади. Мен кучим борича бошимни силкитаман, лекин ҳеч учиб кетмайди. Ҳатто Олимпия ўйинларидаги юнон-рим мусобақалари ҳам бунчалик шафқатсиз бўлмаган. Бугун якшанба.

## Гонконглик қизлар

Мен саёҳат қилишни яхши кўрар эдим. Шукрки, ҳаётимда етарлича саёҳат қилганман. Бу хонада кулранг осмонга боқиб, саёҳатларим вақтидаги воқеалар, ҳиссиётларни яна қайтадан эслайман. Ғалати туйғу. Нью-Йорк майхонасининг сассиқ ҳиди. Рангун бозорининг камбағаллиги. Дунёнинг турли чеккалари. Санкт-Петербургнинг совуқ, ёрқин кечалари ва Невада чўлининг Фернес-Крикдаги жазирама иссиғи. Лекин бу ҳафта ўзгача. Ҳар куни тонгда Гонконгга учаман. У ерда менинг журналимнинг халқаро нашр муҳаррирлари йиғилиши бўлиб ўтади. Мен ҳали ҳамон “менинг журналим” деган иборани ишлатмоқдаман, ваҳоланки, ҳозирда бу гап хатодир. Бу орзу-ният мени яшашдан умидимни узмаслигим учун боғлаб турган ришталардан биридир.

Гонконгда кўп йўқолиб қоляпман. Сабаби, бу шаҳарга бирон марта ҳам ташриф буюрмаганман. Қулай фурсат бўлиши билан тақдир мени жазоламоқда. Кетишим олдидан ё касал бўлиб қоламан, ё паспортимни йўқотиб қўяман ёки муҳим сабаблар билан бошқа шаҳарга учишимга тўғри келиб қолади. Қисқаси, Гонконгга кетишимга нимадир тўсқинлик қилган. Бир гал ўрнимга Жан-Пол К. Ни юборишимга тўғри келди. У пайт ҳали Жан Байрут қийноқхонасига тушиб қолиб, ақлдан озмаслик учун қиммат виноларнинг номларини санаб ўтирмаган эди. Менга Гонконгдан радиотелефон олиб келганида думалоқ кўзойнак ортидаги кўзлари

қувончга тўла эди. Ўша пайтлар радиотелефон энг замонавий буюм ҳисобланган. Мен Жан-Полни яхши кўрар эдим, лекин Ҳизболлоҳнинг асирга айланганидан кейин уни бошқа кўрмадим. Ҳозир эса асир – мен, у эса озод инсон. Медок шахрининг ҳамма қасрларини билмаганим туфайли ўзим учун бошқа машғулот топишимга тўғри келмоқда. Вақтни қандай қилиб бўлса ҳам ўтказиш керак-ку. Журналим нашр қилинадиган мамлакатларни санашни бошлайман. Ҳозирча йигирма саккизта БМТ давлатларини санаб ўтдим.

Айтмоқчи, менинг ҳамкасабаларим, French touch[32] элчилари, қаердасизлар ҳозир? Қуни билан бирон-бир меҳмонхонанинг пардозхонасида “Эл”[33] аёли ким экан, деган саволга хитой, инглиз, португал, тайланд, чех тилида гаплашиб, жавоб қидиришдан чарчамас эдинглар-ку? Тасаввур қиляпман, доим бир хил галстук тақиб юрадиган президент-директоримиз кетидан неон лампалар билан безатилган, идишчаларда лағмон сотилаётган Гонконг кўчаларида эргашиб кетмоқдасизлар. Спируми, Бонапартми, фақат баланд бинолар олдида тўхтаб уларга ютиб юборгудек назар ташламоқда.

Қаерга кетаяпмиз, генерал? Наҳотки, денгиз тубига денгизости қанотларимиз билан сакраб, Макаога[34] йўл олиб, дўзахда бир неча долларимизни ютқизиб келамиз? Ёки Филипп С. Шарофати билан французларга тегишли бўлган “Пенинсюла” меҳмонхонасининг “Феликс” майхонасига чиқамизми? Миллатчилик туйғуси мени иккинчи жумлада тўхташга мажбур қилади. Мен суратга тушишни хуш кўрмайман, лекин шу кошона қовоқхонадаги ўриндиқлар суянадиган жойида, бошқа машҳур французларнинг расмининг орасида меники ҳам бор. Албатта, расм тақдир мени “сабзавот” га айлантириб қўйишидан анча олдин бўлган. Менинг расмим чиқазилган ўриндиқ машҳурми йўқми билмадим-у, лекин мен ҳақимдаги ҳақиқатни майхоначига айта

кўрманг. Йўқса, калта юбка кийган хитойлик қизларнинг ҳеч бири бу ўриндиққа ўтирмайди.

Хат

Касалхона кўриниши қадимги англосаксларнинг мактабини эслатса-да, ошхонаси ҳеч ҳам “Ўлик шоирлар жамияти” [35] га ўхшамас эди. Қизларнинг назари қаттиқ, йигитларнинг баданида ёзувлар, бармоқларида узуклар бор. Сигарет тутунини оғизларидан чиқармасдан ўриндиқларда ўтириб кўча, мотоцикллар ҳақида баҳс олиб боришади. Ҳаммаси ўзини гуноҳга ботгандек тутуди, гўё Беркда ўтказишаётган бемаъни ёшлик даврлари истиқболсиз келажакларига йўлни ёпиб қўйгандек. Мени олдиларидан олиб ўтиб кетаётганларида ҳаммаси жим бўлиб қолади, лекин мен уларнинг кўзларида ҳеч қандай раҳм-шафқат сезмайман.

Очиқ деразамдан касалхонанинг бронза юраги, ҳар тўрт соатда осмонни ларзага келтирадиган – қўнғироқ овозлари эшитилди. Бўш стаканлар билан тўлган ошхона столида ёзадиган машинка пушти ранг қоғоз билан қийшиқ ҳолда турарди. Ҳозирча қоғоз бўш, лекин яқин орада мен учун хат ёзиб қолдирилишини сезяпман. Кутаман.

Гревен музейида

Бу кеча Гревен[36] музейига ташриф буюрдим. Жуда ўзгариб кетибди. Бел-Эпок[37] усулидаги кириш қисми сақланиб қолган: қийшиқ ойналар ва ғаройиб кўринишли кабинет. Лекин замонавий қаҳрамонлар галереяси билан безатилибдими – биринчи залдаги кўргазмаларни танимадим. Аввалига ҳайкалларга шаҳар руҳидаги кийимлар кийдирилган деб ўйладим, лекин яхшироқ қарасам, бу енгил кўйлақлар, калта юбкалар кийдирилган ҳайкаллар аслида ҳамширалар, мотоцикл устида ўтирган йигит эса оқ халат кийган санитарлар экан. Қолган ҳолатида ҳаммаси меҳрибон, оқкўнгил, бағрикенг, бефарқ, эринчоқ кўринар, мен эса уларнинг қўлида шунчаки кўпгина беморларнинг бириман.

Бошида улар кўзимга жуда кўрқинчли кўринди. Мен уларни қамоқхонанинг соқчилари, устимдан уюштирилган фитнес иштирокчилари, деб кўрдим. Қўлларимни синдириб, аравачага ўтқизиб, туни билан телевизор олдида қолдириб, оғриқли ҳолатда ётқизиб кетишгани тўфайли мен уларни ёмон кўриб қолганман. Бир вақт мен уларни ўлдиришга ҳам тайёр эдим. Вақт ўтиши билан жаҳл йўқолди ва елкамиздаги оғир юкни сал бўлса ҳам енгил қиладиган бу инсонлар қадрдон бўлиб қолишди.

Мен уларнинг ҳар бирига алоҳида, фақат ўзимга таниш бўлган лақаб тўқиганман. Ҳар гал кириб келишганда лақабини хаёлан бақариб айтиб қўяман: “Хелло, мовий кўз!”, “Салом, тўпори!” Албатта, улар бу ҳақида ҳеч нарса билмайди. Каравотим олдига рақсга тушиб келиб: “Ишлар қандай?”, – деб сўрайдиган бу – Давид Бови. “Ишқилиб ҳеч нарса бўлмасин-да”, – деган гапни қайтараверадиган, сочи оқарган болага ўхшайдиган профессорни томоша қилиш кулгимни қистатади. Рембо ва Терминатор, сезган бўлсангиз керак, меҳр-шафқат кўрсатмайди. Термометр деган лақаб эса доимо термометрни қўлтиғимда эсдан чиқариб қолдириб кетадиган ҳамширага тегишли.

Гревенлик ҳайкалтарош шимол одамларининг юзларини бир хил қила олмабди, биронтаси ҳам Опал соҳилларининг шамоллари ва Пикардиянинг булутли ерлари орасида яшаган авлодга ўхшамаган. Улар француз тилида гаплашишади. Айримлари бир-бирига умуман ўхшамайди. Уларга мўъжизавий ҳолатда ҳусн берадиган ўрта асрлар рассомининг иқтидори керак эди. Бизнинг рассомда эса бундай иқтидор йўқ. Лекин у ёш ўқувчи ҳамшираларнинг дўмбоққина қўллари ва қизил яноқларини оддийгина бўлса ҳам тасвирлаган. Зални тарк этаётганимда ҳаммасини менинг жаллодларимни ҳаммасини яхши кўришимни айтдим.

Кейинги залда эса Беркдаги палатамга дуч келдим. Худди ўзи. Деворлардаги расмлар, суратлар, эълонларнинг ранглари яқинлашганимда бир-бирига аралашиб кетди. Каравотда ҳеч ким йўқ, фақат кўрпалари йиғиштирилмаган, ғижим эди. Хира ёруғлик. Бўш каравотнинг икки томонида турган одамларни қийинчиликсиз танидим. Улар мен фалокатнинг эртаси куни кўрган инсонлар эди. Ўриндиқда ўтириб Мишел чаққонлик билан айтилган ҳар бир гапни ёзиб борар, Анна-Мария эса қирқта атиргулни идишга жойлаштирар эди. Бернар бир қўли билан Пол Мораннинг “Атташ элчисининг кундалиги” китобини очиқ ҳолда ушлар, иккинчи қўли билан шамол қилиб силкитар эди. Унинг чети темир кўзойнаги профессионал доктор кўринишини берар эди. Флоранс болаларнинг расмларини деворга илар, юзида ғамгин табассум, елкасидан қора сочлари тушиб турибди. Патрик деворга суюниб ўйга берилиб турарди. Деярли ҳақиқий бўлган бу ҳолатни кўриб, ҳар гал дўстларим келганида мен ҳис қиладиган меҳр, шунингдек, чуқур ғам туйғуларини кўнглимдан ўтказдим.

Мен музей бўйлаб яна бошқа саргузашт қидириш учун йўлимни давом эттирмоқчи эдим, лекин музей қоровули чироғини тўғри

юзимга қаратди. Кўзим қамашиб кетди. Уйфонсам, тепамда ёш ҳамшира дўмбоқ қўллари билан чироғини менга қаратиб савол бермоқда: “Уйқу дорини ҳозир берайми ёки бир соатдан кейинми?”

## Мақтанчоқ

Мен орзу қилиб юрган шимимни биринчи марта кийиб юриш имкони-ятига эга бўлган жой, Париж лицейида, бир бола билан узоқ вақт дўстлашиб юрдим. Унинг исми Оливе бўлиб, тасаввур қилиш қобилияти унда ривожлангани туфайли дўстлигимиз қизиқ ўтган. Биз доимо кино томоша қилгани бориб, энг зўр жойларни эгаллаб, шунингдек, доим яхши фильм кўрар эдик. Душанба куни эса дам олиш кунлари бўлган воқеаларни “Минг бир кеча”ни гапириб бераётгандек айтиб берар эди. Агар у якшанба кунини Жонни Халлидей[38] билан ўтказмаган бўлса, бунга сабаб унинг Лондонга, “Жеймс Бонд” фильмининг янги қисмини премьерасига кетгани ёки “хонда” русумли машинани ҳайдаш имкониятидан фойдалангани сабаб бўлар эди. Мактаб ўқувчиларининг севимли мавзуси бўлган япон мотоцикллари ўша даврда Францияда ҳам тарқалди. Хуллас калом, бу дўстимиз бизни эрталабдан кечгача бири иккинчисига тўғри келмайдиган ёлфонлар билан лақиллатиб мақтанар эди. Эрталаб соат ўнда етим, тушлиқда ягона ўғил, кечки пайт эса бири муз устида учиб бўйича чемпион бўлган тўртта синглиси пайдо бўлиб қолади. Аслида дурустгина амалдор бўлган отаси эса вазиятга қараб ё атом бомбасининг кашфиётчиси, ё “Битлз” гуруҳининг вакили ёки де Голлнинг ҳеч ким билмас ўғлига айланиб қолади. Оливенинг ўзи нега гапларини бир-бирига мос келмаслигини тушунтиришни рад этар эди. Қачонки ёлфонлари жуда ҳам ошиб кетса, биз эътирозимизни билдиришга мажбур

бўлардик, лекин у “Қасам ичаман!”, деб ростгўйлигини исботлашга бор кучи билан ҳаракат қилар эди. Вазиятни ўзгартириб бўлмаслигини сезганимиздан кейин тинчгина рози бўлиб қўя қолардик.

Охирги маълумотларга қараганда, Оливе қанчалик тиришқоқ бўлганлигига қарамасдан на жанговор самолёт учувчиси, на жосус ва на бирон бир амир маслаҳатчиси бўла олибди. У чексиз иқтидорини дори бўёқчиси сифатида намоён қилаётган экан.

Мен Оливега ўшанда ҳавас билан қараганимдан афсусдаман, чунки энди унинг турли ҳикоялар тўқиш иқтидорига ҳасадим келмоқда. Ўзимга ҳар хил келажакда содир бўладиган воқеалар ўйлаб топаётган бўлсам ҳам унинг даражасигача етиб бора оламан, деб ўйламайман. Хўш, гоҳида формула-1 пойгачисига айланаман. Сиз мени Монсе ёки Силверстоундаги пойгада кўрган бўлишингиз керак. Сирли, маркасиз, оқ машина – мен бўламан. Каравотимда ётган ҳолимда кабинам тўғрисида икки оғиз сўзламоқчиман. Ҳайдаш жараёнида оғир шлем кийилган бошим катта тезлик туфайли ортга тортилади. Шунингдек, мен тарихий-ҳарбий кўрсатувларда аскар ролини ўйнайман. Мен Алезия, Пуате, Мариняно, Аустерлице ва Шмен-де-Дам жангларида иштирок этаман. Нормандияда қаттиқ жароҳатланганим туфайли Денбенфуга етиб бора оламанми-йўқми деб шубҳа қилаяпман. Кинезитерапевт қўлида эса ўзимни “Тур де Франс” велосипед пойгасининг иштирокчисидек ҳис қиламан. У қаттиқ кучаниш оқибатида чарчаган мушакларимни дам олдиртиради. Энди эса Турмалга шиддат билан йўл олдим. Юқорига чиқаётганимда мухлисларимнинг олқишларини эшитаяпман, тушаётганимда қулоқларимга кучли шамол овози эшитилмоқда. Тасаввур қила оласизми, мен энг кучли рақибларимдан чорак соатга ўзиб кетганман. “Қасам ичаман!”.

## A day in the life[39]

Мана ниҳоят йўлимизнинг сўнггига ҳам деярли етиб қолдик. Менга фақат энг даҳшатли кун бўлган 1995 йилнинг 8 декабрини ёдга олиш қолди, холос. Фалаж бўлганимнинг биринчи кунидан бошлаб соғлом ҳолатимнинг охириги дақиқаларига тушиб қолгим келган эди, ҳозир эса мен учун қийин бўлса ҳам ўтмишимга шўнғимоқчиман. Қаердан бошлашни билмайман. Назаримда, ўтказган ҳамма вақтим худди синган термометр симобининг томчиларини йиғиш каби бекор бўлган. Керакли сўзларни топа олмаяпман. Ҳаммаси рангсиз, кир, товушсиз эди: осмон, одамлар, жамоат транспортлари билан тўлиб кетган шаҳар. Ҳар бир парижликлар каби сўлғин кайфият билан мен ва Флоранс янги кунни қаршилаб олдик. Мен ҳар кунги тонги ишларимни бугун негадир ҳафсала билан бажардим: соқолимни олдим, кийиндим, қаҳва ичдим. Бир неча ҳафта олдин мен бу кун учун режа тузиб қўйган эдим. Бугун янги русумли, немисча машинани амалда синаб кўрмоқчиман. Машина фирмасининг бошлиғи уни менинг ихтиёримга ҳайдовчиси билан юборган. Келишилган вақтда уйимнинг олдида интизомли ҳайдовчи металл рангли “BMW” га суюниб кутиб турар эди. Деразадан бу ажойиб машинага қараб туриб ўйланиб қолдим, оддий кийимларимда шу машинани ҳайдасам қандай кўринар экан? Деразага пешонамни қўйиб кўчада қанчалик салқин ҳаволигини текшираман. Флоранс аста бошимни силайди. Енгил бўса билан шошилиб хайрлашамиз-да, мум иси келаётган зиналардан югуриб тушиб кетаман. Бу ўтиб кетган вақтлардан сўнгги ис бўлади.

I read the news today, oh boy ...

Йўлда содир бўлган иккита фалокат ҳақидаги маълумотдан кейин радио “Битлз” нинг “A day in the life” қўшиғини қўйди. Охирги ёзиб олинган қўшиғи 1970-йилда чиққан бу гуруҳнинг “эски” қўшиғини ёзиб олмоқчи бўлиб юрган эдим. Булон ўрмони бўйлаб ҳузур бағишлаб “BMW” гўё учар гилам каби кетмоқда. Ҳайдовчи келишган йигит, мен унга куннинг иккинчи ярмидаги режаларимни айтиб беряпман: ўғлимни олиб келгани онасиникига бориб келишим керак. У жой Париждан тахминан қирқ километр узоқликда жойлашган.

He did not notice that the lights had changed...

Июлда оиламдан кетганимдан кейин ўғлим – Теофил билан бафуржа, эркакларча гаплашиб олишимга фурсат бўлмади. Мен уни театрга, янги Ариас[40] томошасини кўришга олиб бормоқчиман, кейин Клиши майдонидаги ресторанда денгиз моллюскаларини тановул қиламиз. Бўлди тамом, дам олиш кунларини бирга ўтказамиз. Умид қиламанки, шаҳардаги муаммолар бизга халақит қилмайди.

I'd like to turn you on ...

Менга қўшиқнинг айнан шу жойи ёқади, оркестр шу пайт баланд ноталарни чалади. Худди пианино олтинчи қаватдан тушиб кетгандек баланд товуш. Мана, Леваллуага ҳам етиб келдик. Журнал биносининг олдида тўхтаймиз. Мен соат учда ҳайдовчи билан кўришишга келишаман.

Менинг хатлар столим устида бир дона хат турибди, лекин унинг қандайлигини билсангиз эди! Мен собиқ соғлиқни сақлаш вазирига ва Франциянинг машҳур аёлларидан бири бўлган Симона Б. Газда қўнғироқ қилишим керак. Бундай қўнғироқлар ҳеч қачон тўсатдан бўлмайди. Мен ҳатто ўйлаб қолдим ҳам, нима қилибмизки, шундай бебаҳо инсоннинг назарига тушдик?

“Менимча, унга журналда чиққан охирги расми ёқмади”, деб эҳтиёткорлик билан гапирди ёрдамчим. Мен айтилган журналнинг, Симонанинг устидан кулишган сонини олиб, қарай бошладим. Бу ерда бизнинг касбимизнинг сири яширинган: сюжет устида бир неча ҳафта ишлашади, энг тажрибали мутахассислар қўли остидан ўтади, лекин ҳеч ким ўтиб кетган хатони сезмай қолади. Мен ҳақиқий телефон бўронини бошимдан кечираман. Ҳеч қайси журнал унга қарши босиб чиқаришга журъат қила олмаслигини таъкидлайди. Мен эса журналимиз аъзолари уни авлиё деб билишларини тушунтирдим. Одатда, бундай сўхбатларни Анна-Мария олиб боради, у юлдузлар билан баҳслашаётганда жуда сабрлидир. Мен эса бу борада Генри Киссинжердан[41] кўра капитан Хеддока[42] ўхшайман. Гаплашиб бўлганимдан сўнг ўзимни дўппослангандек ҳис қилдим.

Журнал муҳаррирлари “Жамини ҳисоблаш” учун касбдошлари томонидан Людовик XI лақабини олган Жеронимо уюштирадиган тушликларни ҳеч қачон ўтказиб юбормайдилар. Жеронимонинг ўзи эса бундай тушлик-ларни “жуда ҳам зерикарли” деб атайди. Энг охирги қаватда бинодаги энг оддий ошхона зали жойлашган бўлиб, айнан ўша ерда бошлиқ ишчиларнинг хатти-ҳаракатларини мажлис давомида мунозара қилади. Ёқимли овоз билан мақтовлар айтади-да, сўнг жиддий танбеҳлар ҳам берилади. Йиллар давомида бошлиғимиз қачон мақтайди ва қачон уришади олдиндан сезишни ўрганиб олганмиз. Бир стакан сув ичганимдан ташқари, мажлисда яна нима еганимизни умуман эслай олмайман. Адашмасам, мол гўштидан таом тановул қилдик ва қутуриш

касалини юқтириб олдик. Инкубация даври ўн беш кун давом этади, бизнинг ҳали кутиш учун вақтимиз бор. Ўша пайтда эълон қилинган ўлим даражасидаги ягона касаллик фақат Президент Миттераннинг касаллиги бўлди. Бутун Париж саросимага тушиб, ҳафта охирида ўлиб қолмасмикан, деган саволга жавоб қидиришди. Аслида, ўшанда унинг бир ойлик умри қолган эди. Шу каби тушликларнинг энг ёмон тарафи шундаки, уларнинг чеки йўқ.

Ҳайдовчим билан кўришганимда қуёш уфққа ботаётган эди. Вақтдан ютиш учун ишхонада ҳеч ким билан хайрлашмасдан шошиб чиқиб кетдим. Соат беш.

– Йўлда тирбандликка учрасак керак.

– Афсус...

– Мен сиз учун қайғуряпман...

Шу пайт ҳамма нарсага тупурдим: театрни ҳам, Теофил билан учрашувни ҳам бекор қилмоқчи бўлдим. Бир банка творог ва кроссворд билан қандайдир хонага қамалиб олгим келди. Лекин кучим борича томоғимга тиқилиб келаётган аламни ютишга ҳаракат қилдим.

– Катта йўлга чиқмаганимиз яхшироқ.

– Сиз нима десангиз шу...

Қанчалик салобатли бўлмасин, “BMW” ҳам Сюрен кўпригидаги тирбандликда тўхтаб қолди. Сен-Клу ипподромини ортда қолдириб, кейин Гаршадаги Раймонд Пуанкаре касалхонасидан ҳам ўтиб кетдик. Ҳар гал ўша ердан ўтиб кетаётганимда болалик хотираларим эсимга тушади. Кондорсё лицейида ўқиб юрган вақтимда ўқитувчимиз тоза ҳавода машқ қилишимиз учун Вокрессондаги Марш майдонида олиб борар, мен эса буни ўлгудай ёмон кўрар эдим. Бир куни шу касалхонадан бир бемор тўсатдан югуриб чиқди-ю, биз кетаётган автобус уни босиб кетди. Ғалати овоз чиқди, автобус мотори ғирчиллади ва бемор шу оннинг ўзидаёқ ўлди. Ундан фақат автобус ойнасида қон излари қолди. Бу воқеа қишда, худди ҳозиргидек шом пайтида бўлган эди. Бўлган воқеанинг оворагарчиликлари туфайли қоронғи тушадиган пайтгача қолиб кетган эдик. Парижгача бизни бошқа ҳайдовчи олиб борди. Автобусда қалтираган овоз билан ҳаммамиз “Penny Lane” қўшиғини айтар эдик. Яна “Битлз”. Қизиқ, Теофил қирқ тўрт ёш бўлганида қайси қўшиқларни эслар экан?

Бир ярим соат ўтганидан кейин белгиланган жойга, мен ўн йил яшаган уйга етиб бордик. Катта боғимизни туман босибди. Бир пайтлар у ердан қувонч тўла кулги овозлари эшитилар эди. Теофил дам олиш кунлари учун қуролланган сумкачаси билан эшик олдида бизни кутиб турар эди. Мен янги қайлиғим Флорансга қўнғироқ қилмоқчи бўлдим, лекин жума кунги ибодат учун ота-онасининг уйига кетгани эсимга тушди. Яхшиси, театрдан кейин қўнғироқ қиламан. Умримда бир мартагина яҳудийларнинг бу маросимида иштирок этганман. Айнан шу ерда, Монтенвилда, болаларимни туғдирган тунислик шифокорнинг уйида содир бўлган.

Шу пайдан бошлаб ҳамма нарса чалкашиб кетди.

Кўз олдим хиралашиб, хаёлларим аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Лекин фикримни жамлашга ҳаракат қилиб, машинага ўтирдим. Чироқларни фарқига бормай қоляпман, минг марта ўтиб-қайтилган йўлларни зўрға танияпман. Пешонамдан тер оқаётганини сездим, йўлимиздан машина чиқса, кўзимга иккита бўлиб кўринмоқда. Биринчи чорраҳада машинани четга олиб тўхтадим. Титраган ҳолатда “BMW” дан тушдим. Зўрға оёқда турибман. Шу пайт орқа ўриндиққа чиқиб чўзилдим. Хаёлимда битта фикр чарх уради: қишлоққа, қайнисинглим Диананинг олдига етиб боришим керак, у ҳамшира. Унинг уйига етиб боришимиз билан Теофилдан тезда холасини чақириб чиқишини сўрайман. Бир неча сониядан кейин Диана югуриб келди. Мени текшириши учун бир дақиқа кифоя қилди ва: “Зудлик билан шифохонага бориш керак”, – деди. Йўл – ўн беш километрлик. Бу сафар ҳайдовчи машинани катта тезлик билан ҳайдади. Ўзимни худди наркотик моддасини ютиб юборгандек ҳис қилар эдим. Лекин ўлишим мумкинлиги ҳақида ўйламасдим. Катта тезлик билан “BMW” кетар, қолган машиналар эса ортимиздан сигнал чалиб қоларди. “Тўхтанглар, ҳозир яхши бўлиб қоламан, фалокатга учрамайлик”, демоқчи бўламан, лекин қани энди гапира олсам. Хаёлимга эрталаб эшитган “Битлз” нинг қўшиғи келади.

“And as the news were rather sad, I saw the photograph.”

Мана клиникага ҳам етиб келдик. Ҳаммаёқ югур-югур. Мени деярли жонсиз ҳолатимда ғилдиракчали аравачага ўтқазишди. “BMW” эшиклари товушсиз ёпилди. Қачонлардир кимдандир эшитган эдим, яхши машинани овозидан билса бўларкан. Йўлаклардаги неон чироқлар кўзимни қамаштирар эди. Лифтда нотаниш одамлар менга далда беришмоқчи бўлади, менинг хаёлимда эса “Битлз”нинг “A day in the life” қўшиғи ниҳоясига етади. Пианино олтинчи қаватдан тушиб кетади. У тушишига қадар эса бир фикр хаёлимдан ўтади: театрни бекор қилиш керак,

барибир кеч қолдик. Ҳечқиси йўқ, эртага кечки пайт борамиз.  
Айтмоқчи, Теофил қаерга ғойиб бўлди? Мен комага тушдим.

Янги мавсум

Ёз охирига етмоқда, тунлар эса совуқлашиб кетмоқда. Мен яна “Париж касалхонаси” тамғали қалин, кўк кўрпага ўрана бошладим. Ёзги таътилда кўринмай кетган одамлар яна пайдо бўлди: хўжалик назоратчиси, тиш дўхтири, мухбир, яқинда жажжи Томнинг бувиси бўлган ҳамшира, июнда беморларнинг каравотини кўтариш жараёнида бармоғини синдириб олган одам – ҳаммаси яна қайтадан эски одатлари билан қишги мавсумни бошлашди. Мен учун ҳам янги ҳаёт бошланди ва у шу ерда, шу каравот, ўриндиқ, йўлаклар орасидагина ўтади.

Мен кенгуру ҳақидаги, гапириш хусусиятимни ривожлантириш учун логопед томонидан ёдлатилган қўшиқни хиргойи қилишга уринаман:

Ҳайвонот боғида кенгуру,

Жарликдан сакраб ўтди.

Салобати сочар ёғду,

Чаққонгина кенгуру.

Қишги мавсумнинг янгиланиши ҳақидаги маълумотлар менга кам келмоқда. Янги адабий мавсум, янги ўқув йилининг бошланиши,

Париж мавсумининг очилиши – ҳаммасини тез орада Беркка, кўришга келадиган инсонлар айтиб беришади. Янгидан-янги маълумотлар олиб келишади. Айтишларича, Теофил юрса тагига ўрнатилган чироқлари ёнадиган оёқ кийим кийиб юрган эмиш. Қоронғиликда унинг кетидан юрса бўлади. Мен эса ҳозирча августнинг охирги ҳафтасидан баҳра олмоқдаман, чунки менинг юрагимни бошқа ўкинч ҳисси қийнамаяпти. Клод филдиракли столга тираниб, икки ой давомида ҳар куни не-не қийинчилик билан битган ёзувларимизни кўздан кечирмоқда. Айрим саҳифаларини роҳат билан қайтадан ўқийман. Қолганлари эса биз кутганчалик чиқмади. Бу ёзувлардан китоб чиқармикан? Клодни эшитиб туриб, унинг қора сочларига, оппоқ, қуёшдан озгина қизарган юзларига, кўкимтир томирлари кўриниб турган қўлларига боқаман. Ёзги қилинган ҳамма меҳнатимиз эсда қолади. Унинг қалин, кўк дафтари, текис, босиб ёзилган хати, заҳираси билан йиғиб қўйган мўйқаламлари, ҳар эҳтимолга қарши қоғоз салфеткалар ва гоҳида ичидан кофе учун пул чиқарадиган қизил сумкаси – ҳаммасига бирма-бир назар ташлайман. Очиқ сумкасидан меҳмонхона калити, метро чиптаси ва букланган юз франк пул кўриниб турибди. Бу нарсалар гўё ўзга сайёраликлар ерни ўрганиш учун келаётганда ўзи билан оладиган энг керакли буюмларга ўхшар эди. Бу ҳолат мени чуқур ўйга солди. Қизиқ, самода менинг скафандримни қулфини очадиган калит бормикан? Тўхташ жойи мавжуд бўлмаган, яъни чексиз бўлган метро линияси бормикан? Менинг озодлигимни сотиб олиш учун етарлича бўлган маблағ-чи? Қидириш керак. Яхшиси, ўша ерга бораман.

*Берк соҳили, июль-август, 1996 йил*

*Китоб нашр қилинганидан икки кун ўтиб Жан-Доминик Боби вафот этди.*

Мангу умр кечирадиган капалак – қалби скафандр ичидан озодликка чиқиб, учиб кетди...

*Рус тилидан Нилуфар Усмонова таржимаси*  
*«Жаҳон адабиёти» журнали, 2017 йил, 10-11-сонлар*

---

[1] Locked-in-syndrome – тана фалаж ҳолатига тушиб қоладиган касаллик.

[2] Анкилоз – бўғимларнинг ҳаракатсизлиги.

[3] Трахеостома – нафас олиш учун ўпкага ўрнатиладиган асбоб.

[4] Кинезитерапевт – ишдан чиққан тана аъзоларини ултратовуш, уқалаш, шунингдек, турли жисмоний машқлар оркали даволайдиган шифокор.

[5] Эрготерапевт – касаллик туридан қатъи назар, беморнинг ҳаракатланиш қобилиятини тикловчи шифокор.

[6] Новиллеро – буқа жангидаги асосий қаҳрамон, ёш ўйинчи (исп.).

[7] Тореадор – буқа жангидаги тажрибали ўйинчи (исп.).

[8] Патология – касалликларни ўрганадиган илм.

[9] Ладан – ёқимли ифорга эга бўлган ўсимлик.

[10] Мажино чегараси – французларнинг Германия чегарасида 1929–1934 йилларда қурган ҳимояловчи тизим.

[11] Шарл Трене – француз хонандаси.

[12] Фарандола – Франциянинг жанубида, Прованс шаҳрида пайдо бўлган, тез ва бир мақомда ўйналадиган рақс.

[13] Скрабл – сўз ўйини.

[14] Эйфория – яхши, кўтаринки кайфият ҳолати.

- [15] Чинечитта – Римдаги фильмлар суратга олинадиган шаҳар.
- [16] Ёвузлик муҳри (Touch of Evil, 1958 й) – америкалик Жорж Орсен Уэлс суратга олган фильм.
- [17] Дилижанс – (Stagecoach, 1939 й) америкалик Жон Форд суратга олган фильм.
- [18] Тревелинг –ҳаракатланаётган ҳолатда фильмни суратга олиш.
- [19] Ой ёғдусида – (Moonfleet, 1955 й) немис режиссёри Франс Ланг суратга олган фильм.
- [20] Гериатрия – қарилик давридаги касалликларни ўрганувчи ва уларга даво қидирувчи усул.
- [21] Мўъжизалар кўчаси – ўрта асрларда камбағаллар, жиноятчилар, хулқи бузуқ аёллар йиғилган айрим Париж кўчаларининг номи.
- [22] Вертикализация – узоқ ётган ҳолатда даволаниш натижасида вужудга келган касалликларнинг олдини олиш усули.
- [23] Рождество – христиан динида Исо пайғамбарнинг туғилган кунини нишонлайдиган байрам.
- [24] Гевюртс – траминер – винонинг номи.
- [25] Пони – кичкина от зоти.
- [26] Maksvell Smart – “Get smart” номли американча сериал номи.
- [27] “Осилганлар” – қоғозга чизиб ўйналадиган ўйин номи.
- [28] Ришар Антонининг машҳур “Поезд овозини эшитяпман” қўшиғи назарга тутилган (1962).
- [29] Рауль Дюфи (1877–1953) – француз рассоми.
- [30] Хуан-Мануел Фанхио (1911–1995) – машҳур аргентиналик пойгачи.
- [31] Ипподром – от пойгаси ўтказиладиган жой, майдон.
- [32] French touch (инг) – француз атири.

- [33] Элл (Ell) – аёллар журналининг номи.
- [34] Макао – Хитой Халқ Республикасидаги махсус маъмурий туман.
- [35] “Ўлик шоирлар жамияти” – Питер Уир суратга олган фильмдаги адабий гуруҳ номи.
- [36] Гревен музейи – Париждаги мумдан ясалган ҳайкаллар музейи.
- [37] Бель Эпок (фран. Belle Époque) – XIX аср ва XX асрнинг бошларида Европа (айниқса, Франция ва Белгия) таъсирида гуллаган давр назарга тугилади.
- [38] Жонни Халлидей (1943-йилда туғилган) – француз рок қўшиқчиси, актёр ва бастакор.
- [39] A day in the life (ингл.) – ҳаётнинг бир куни.
- [40] Ариас – Алфредо Ариас назарга тугилган – асли аргентиналик француз режиссёр.
- [41] Генри Альфред Киссинжер (1923-йилда туғилган) – америкалик давлат арбоби, сиёсатчи, халқаро муносабатларга масъул киши.
- [42] Капитан Хеддок – белгиялик рассом Эрженинг қаламига мансуб “Паҳлавон саргузаштлари” комиксининг сўкинадиган ва ичишни хуш кўрадиган қаҳрамони.